

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ИНСТИТУТИ

КИЧИК ЁШДАГИ БОЛАЛАР БАДАН ТАРБИЯСИ ВА МАССАЖИ

Услубий-методик тавсиялар

Ташкент - 2010

Муаллифлар:

Нурмухамедов К.А. – тиббиёт фанлари номзоди, доцент.

Саломова М.С. – ЎзДЖТИ Спорт тиббиёти ва ДЖТ кафедраси ўқитувчиси.

Тақризчилар:

Эштаев А.К. – педагогика фанлари номзоди.

Маматхонова Д.Х. – Собир Раҳимов туманидаги 19-ошлавий шифохона бош шифокори, олий тоифадаги педиатр.

Услубий-методик тавсиялар малака ошириш тингловчилари, ота-оналар, талабалар учун мўлжалланган.

Услубий-методик тавсиялар ЎзДЖТИ қошидаги олий ўқув юртлариаро илмий-услубий кенгаш томонидан нашрга тавсия килинган.

КИРИШ

Құлингиздеги услугбий құлланмада эмисиқли ва уч ёшгача бўлган болаларга хос ҳусусиятлар оммабоп шаклда баён этилган.

Ҳар томонлама ҳавасга лойиқ соғлом авлодни тарбиялаш келажагимизни таъминлашнинг мухим омилидир. Шу боис мамлакатимизда жисмонан ва маънан соғлом, ҳеч кимдан кам бўлмаган авлодни тарбиялашга алоҳида зътибор қаратилмоқда.

Ота-оналарга фарзандлари тарбияси учун бадан тарбия, массаж, ўйинлар ҳамда чиникиш элементларидан фойдаланиш таклиф этилган. Бадан тарбия воситаларини ишлатиш ҳусусида услугбий йўл-йўрик ҳам берилган. Муаллифлар машгулот жадвали, ҳамда тахминий мажмуя намуналарини таклиф эттандар. Ота-оналар боланинг қизиқиши, ҳаракатланиш имкониятларига қараб шу мажмуалардан бирини танлаб олишлари мумкин. Ҳар бир мажмуя намунаси организмга таъсир килишига кўра бошқасига ўхшашибир.

Саломатликка чақалоқликдан замин яратилади. Саломатликка таъсир этадиган мураккаб омиллардан бири болалар бадан тарбияси ва массаж, ҳамда чиникиш воситалариdir.

Болаларга массаж ва бадан тарбия ўтказишидан мақсад, уларни жисмоний машқларга кўникма малакаларини ошириш, услугбият орқали, болаларни эркин ҳаракатлана оладиган комил шахсни тарбиялашдан иборатdir. Массаж ва бадан тарбия машқлари болаларда, ота-оналарда қувноқ кайфият чақиради ва болаларни серҳаракатликка ундаиди.

Ўсаётган организм биологик жиҳатдан ҳаракатларга эҳтиёж сезади, бу эҳтиёжни қондириш эса ҳаёт фаолиятининг энг мухим шарти ҳисобланади. Ҳаракат фаолияти етарли бўлмаган тақдирда мускуллар аппарати ва бутун организмнинг юки камайиб кетади. Бу ҳолат норасиданинг соғлигига салбий таъсир кўрсатади.

Услубий қўлланмадан кўзланган мақсад – эмадиган ёшдаги ва уч ёшгача бўлган болаларни жисмонан тўғри ривожлантириш учун қандай қулай шароитлар яратиш, чиниктириш, бадан тарбия, массаж ва ўйинларни ўтказиш. Ота-оналарга болаларини қоматини чиройли, нуксонлар бўлишини олдини олиш учун ривожлантирувчи, шакллантирувчи ва тўғриловчи, умумий ривожлантирувчи бадан тарбия машқлари ва болалар массажи ҳамда чиниктириш усуllар элементлари баён этилган.

ГҮДАКЛИК ДАВРДАГИ БОЛАЛАРДА РИВОЖЛАНИШИННИГ АНАТОМИК-ФИЗИОЛОГИК ҲУСУСИЯТЛАРИ

Бу ёшдаги болалар организмидаги барча аъзо ва тизимлар тез ўсиб, ривожланади, иккинчи томондан эса, ташқи атроф мухит ўзгаришларига улар ўта таъсирчан бўлиб, бола аъзолари бу ўзгаришларга кескин физиологик реакция кўрсатади.

Янги туғилган бола 2-4 ҳафталик чоғиданоқ янги шароитга мослаша бошлади. Гўдакнинг бурун йўллари тор, шиллиқ пардаси нозик, қон ва лимфа томирлари кўп бўлади. Ҳиқилдоқ, трахея ва бронхларнинг оралиғи тор, уларни ҳосил қиласидаган тоғайлар юмшок. Ўпка тўқимаси етарли даражада ривожланмаган, ичида хаво кам бўлади. Чакалоқ юзаки тез-тез нафас олади, яъни 1 дакиқада 40-60 марта нафас олиши асосан диафрагма ҳаракатланиши натижасида рўй беради (нафас олишнинг корин типи). Ҳаётнинг биринчи йили охирида нафас олиш чуқурлиги ошади, лекин корин типида қолади. Ҳаётнинг бироқ бу пайтда марказий асаб тизими ҳали етарлича ривожланмаган бўлади.

Асаб марказлари ҳамда вегетатив асаб тизими ривожланган сари терморегуляция (иссиқликни идора этиш) жараёни мукаммал бўла бошлади.¹ Бу даврда боланинг териси жуда нозик бўлиб, ташқи мухитга таъсирчан бўлади. Ҳаётнинг дастлабки ойида скелет суюклари гоят юмшок ва эгилувчан бўлади. Туғиладиган пайти келганда фақат товон ва болдир суюкларининг айрим қисмлари астасекин суюклана боради. Умуртқа суюги буткул тогайдан иборат бўлиб, ҳали физиологик эгилма йўналишини олмаган бўлади.

Янги туғилган боланинг мускул ва бойламлари, айниқса қўл-оёқ мускуллари жуда заиф, мускул толалари ингичка, улар секин-аста йўғонлашади. Мускуллар охиста қисқариб, анчагача бўшашибади. Муҳими, дастлабки икки ой мобайнида бўкувчи мускуллар тоғуси (таранг тортиши) ёзувчи мускуллардан кўра устун бўлади.

Бола туғиладиган пайтга келиб ундаги лимфа тизими етарли даражада ривожланган бўлади. Бўйни, қўлтиқ ости, тирсак, кўкрак ва корин остидаги майда нўхатдек келадиган лимфа безларини тери устидан пайпаслаб сезиш мумкин.

Чақалоқнинг нафас олиш тизими тез ривожлана борар экан, жадал моддалар алмашинуви ҳамда боланинг кислородга бўлган катта эҳтиёжига алоқадор анчагина салмоқли физиологик хизматни бажаради. Бундан ташқари, чақалоқнинг кўкрак қафаси умуртқа

устунидан перпендикуляр равишида чиккан қовурғаларнинг горизонтал жойлашиши туфайли гүё нафас олиш ҳолатида бўлади. Бола бир ойлик пайтида нафас ҳаракати бир дақиқада 40-50марта, асосан диафрагма мускулларининг қисқариши эвазига рўй беради.

Янги туғилган чақалоқ юраги катталаардек сингари бир маромда ишламайди, чунки унинг фаолиятини бошқарувчи мия қобигидаги нерв марказлари, шунингдек ўзининг мушак қатлами етарлича ривожланмаган бўлади. Бироқ, бола жуда тез ўсиши туфайли, шунингдек озиқ моддалар ва кислородни кўп истеъмол этиши натижасида организм ўз тизимларини шу эҳтиёжларини қондиришга мослай боради. Организм ҳўжайраларни кислород билан таъминлаши учун чақалоқ юраги бир дақиқада 140 марта қисқаради. Гўдак боланинг қонида гемоглобин, лейкоцит ва эритроцитлар миқдори анча юқори бўлади.

Бола туғилиш пайтига келганда, унинг марказий (бош мия ва орқа мия) периферик нерв тизими қўзғалишини перифериядан марказга ва аксинча узатувчи нервлар ҳали тўла ривожланиб тугамаган бўлади. Нерв ҳўжайраларидан иборат бош мия пўстлоги туғилиш пайтига келиб ҳали етарли даражада дифференциялашмаган бўлади, ундаги асосий пушталар ва эгатлар сал-пал билиниб туради. Пўстлоқ ости нерв тугуллари ҳам яхши ривожланмаган бўлиб, уларни нерв марказлари суст идора этади. Шу сабабли, бола кўпгина тартибсиз ҳаракат қиласди.

Юқорида айтилганларни ҳисобга олиб, соғлом болаларни бир ярим-икки ойлигидан бошлаб массаж қилиш ва жисмоний машқлар билан шуғуллантиришни тавсия этамиз, чунки бу вақтга келиб, у тикилиб қарайдиган ва эшигадиган бўлади. Нерв тизими ҳам анча етилади.

4 ҳафталикдан бир ёшгача бўлган даврда бутун организм астасекин қайта қурила боради. Марказий нерв тизимининг функцияси такомиллашади, шартли рефлекслар ишланиб, ҳаракатлар шаклланади, боланинг вазни ортади ва бўйи ўсади.

БАДАН ТАРБИЯ МАШҚЛАРИ ВА МАССАЖНИНГ БОЛА СОҒЛИГИГА ТАЪСИРИ

1-2 ойлик бола организмини чиниктириш ҳамда организмнинг химоя микроэлементларини кучайтиришдан бири ҳаво ваннаси. 18-20° ҳароратда (кунига 2-5 марта 3-5 дақиқадан ортириб бориб 10

дақылға еткәзилади) ва бу услуга чиннигиришда энг қулай бўлиб яхши натижа беради.

Ҳаво ваннасини олаётганда бола аста секин ялангоч килиб, он болани массаж килиш билан бирга рефлекс машқларини қўллади эмаклаш, қаддини тўғрилаш, оёқ бармоқларини букиш ва ёйиш.

Бола терисини парваришилаш учун ёз фаслида ҳар күн چўмилиши лозим. Чўмилганда “Болалар совунидан” ёки болалар учун юваниш воситаларидан ишлатилса мағсадга мувофиқ бўлади.

2-3 ойлик болани чүмилтириш, чиниктириш, хавода сайр этици
ва массаж килиш.

Болаларни икки ойлик бўлгандан бошлаб тўғри жисмониј тарбиялаш энг аввало бош мия пўстлоқлараро шартли рефлекто алоқаларнинг ўрнатилишига қаратилган бўлади. Массаж ва бада тарбия машқларни хис этиш, анализаторлар (сезиш органлари ривожланишига, шунга мувофиқ бош мия катта ярим шари пўстло гидаги ҳаракат, фикрлашни ривожлантирувчи асаб марказла-ринин тез такомиллашувига таъсир этади. Марказий асаб тизими асосиј жараёнлари – тормозланиш ва кўзгалишнинг кучи, мувозанати ҳаракатчанлиги такомиллашади.

Бадан тарбия машқ билан мунтазам шугулланиш таъсирида болғанча тинч бўлади, уйқуси яхшиланади. Ҳаракат туфайли болада кўпинчя янги шартли рефлекслар хосил бўлади; ҳаракатлағ уйғунлиги яхшиланади, кайфияти тетик бўлади. Бадан тарбия ва массаж бутун организмга ижобий таъсир кўрсатади: таянч-ҳаракат аппарати мустаҳкамланади, суюклар яхширок ўса бошлайди, баккувватлашади, мускулларнинг қисқариш функцияси яхшиланади, ҳаракат даври мускулларга озиқ моддаларни ташувчи кон ва лимфалағ кўпроқ келади. Массаж ва бадан тарбия машқлар нафас олиш ва чиқаришни тартибга солади, бола бир маромда чукур нафас оладиган бўлади. Нафас йўли мушаклари мустаҳкамланади, кўкрак қафаси ривожланади, шу билан ўпкада вентиляция ва газ алмашинуви анчо ортади.

Юракнинг анча ритмик қисқариши қайд килинади, юрак биғ марта қискарғанда хайдалган қон микдори кўпаяди; периферик қоғалланиши хам теллашади, томирлардаги қон микдори ортади.

Массажист бадам тарбия машклар овкат ҳазм **жидиш тизимине**
фактических яхшилайды. Улар таъсирида бу тизимине мотор
секретор функциялари кучаяди, кабзият, газ түпләниши йўколади
озик модда-вернинг сўрилиши яхшиланади. Бундан ташкари, корни

мускуллари, айниқса нафас олишда иштирок этадиган корин пресси мускуллари мустахкамланади.

Кўпгина тадқиқотчиларнинг кузатишларига қараганда, етарлича фаол ҳаракат қилмаган боланинг жисмоний тараққиёти сезиларли даражада орқада қолар экан. Шу сабабли ўз вактида қилинган жисмоний машқлар ва массаж боланинг барча тизими ва органларига ижобий таъсир ўтказади. Аммо бола ҳаётининг дастлабки ойларидан тарбиялаш бола ҳаётиниг биринчи йилида унинг ҳар томонлама ривожланишида тарбия катта аҳамиятга эга бўлиб, бу аввало марказий асаб тизимининг секин аста ривожланиши билан боғликдир. Олий нерв фаолиятининг ривожланиш хусусиятлари маълум даражада ирсиятга алоқадор бўлади. Уларни нафи бола тўғри парвариш қилинганда врач назоратида бўлгандагина тегади.

Ота-оналар болаларнинг бадан тарбияси уларнинг гўдаклик чогидаги физиологик хусусиятларга мос келиш-келмаслигини кузатиб туришлари керак, чунки бола бажараётган машқлар ундаги бўлаётган ҳаракатлар кўникмаларига асос бўлади. Массаж ва бадан тарбия машқлар мажмуасини педиатр шифокор ҳар бир бола учун танлаб белгилаши лозим. Буни белгилаш чогида у боланинг ахволини, қанчалик ривожланганини гавдасининг мувозанатни саклаш кобилятини ва қандай ҳаракатлар қила олишини эътиборга олади.

Меъда фаолияти бузилган (газ йигиладиган, қабзият бўладиган) болаларга турли касалликлардан соғайиб бақкувват бўлиб қолган болаларга машқлар айниқса фойдалидир. Айни вактда ота-оналар массаж ва бадан тарбия машқларни қайси вактда вактинча тўхтатиш лозимлигидан ҳам ҳабардор бўлишлари керак. Бу боланинг бирор сабаб (оч қолиш, корин оғриши, массаж килаётган она қўлининг совуқлиги, беҳоллик – касаллик белгиси) туфайли машғулотни хушламаслиги мумкин. Бундай холларда, иложи бўлса болада, жисмоний машқка нисбатан ижобий кайфият пайдо қилиш зарур. Қаттиқ иситма билан ўтадиган касалликларда, тери ва лимфа тугунларидаги йирингли ва бошқа яллигланиш касалликларида, киндинк, сон, чов ва ёргок чурраси бўлганда бадан тарбия ва массаж килиш мумкин эмас.

Бола ҳаётининг биринчи ойларида согломлаштирувчи машғулотлар массаж қилишдан иборат бўлади. Массаж қилинаётганда ҳаракатларнинг йўналиши лимфа оқими йўналишинга мос бўлиши керак. Шу сабабли, кўлларни панжадан бошлаб, елкага ва кўлтикка томон оёкларни эса, панжалардан ва сондан човгга томон асосан кафт

асосида ва бармоқлар билан силаб, ишқаланади. Ҳар бир усулнинг давомийлиги бир дақиқадан ошмаслиги керак.

Бир ёшгача бўлган болаларда, одатда бадан тарбия машқлари билан массаж бирга олиб борилади. Массаж пайтида қўллар тўқималарга таъсир қилиши туфайли тери, боғлам ва мускулларда ҳосил бўлган импулслар бош мия пўстлоғига йўл олади. Тўғри йўналтирилган ҳолларда нерв – регулятор тақсимланиши механизми яхшиланади. Массаж марказий ва ве^татив нерв тизимлари бутун организмга катта таъсир этади: қон томирларини кепгайтиради, захирадаги қил томирларни очади, лимфалар оқимини тезлатади, шу билан мускуллар озиқланишини, уларнинг қайишқоклигини ва қисқарувчанлигини яхшилайди, терини пўст ташлашидан холи килади, ёғ ва тер безлари фаолиятини фаоллаштиради. Бундан ташкири массаж жараёнида терида оқсилларнинг парчаланиши туфайли юзага келган специфик моддалар ҳосил бўлади.

Бу моддалар умумий қон айланиши доирасига тушиб, организмдаги умумий ва маҳаллий моддалар алмашинувини кучайтиради. Массаж терида боланинг ўсиши учун жуда муҳим бўлган витамин Д нинг ҳосил бўлишига ёрдам беради.

Организмда витамин “Д” етишмаслиги туфайли фосфор-кальций алмашинувининг бузилиши натижасида ракит касаллиги келиб чиқади. Одатда 2-3 ойликдан 2-3 ёшгача бўлган болаларда учрайди. Рахитга кўпинча боланинг чала тугилиши, кувватсизлиги, сунъий овқатланишлар сабаб бўлади.

Болани яхши парвариш қилинса, очик хаво ва қуёш нуридан баҳраманд бўлса ракит касаллигини олди олинган бўлади, аксинча потўғри овқатланиши унинг организмига витамин Д етарли микдорда кирмайди ёки ультрабионафша нурлари етишмаслигидан терисида витамин Д ҳосил бўлиши бузилиб, ракит касаллиги кучаяди.

Чакалоқни ҳаракат малакаларига ўргатишда болага доимо ўзига алоҳида ёндошиш принципига амал қилиши лозим. Шу муносабат билан ота-оналар массажнинг турли усулларини ўрганиб олиш керак.

СИЛАШ УСУЛИ

Силаш усули – халқ орасида болаларни парвариш қилишда энг кўп тарқалган массаж усулидир. У бўшашган кафт юзаси билан бажарилади. Бу ҳолда тўртта бармоқлар зич бўлиб, кафтнинг

катаclar билан күрсатилган кисми, массаж килинаётган жойда бир текисда күйилади.

Силаш тинч ритмик шаклда, енгил ва эркин ҳолатда ўтқазилиши лозим. Силаш натижасида терининг яшағ бўлган юкори қавати (эпидермис) кўчиб тушади, терининг нафас олиши яхшиланади.

Силаш таъсирида терининг ҳарорати кўтарилади, томирларда кон ва лимфа силжиши яхшиланади. Рефлексоген соҳаларига рефлектор таъсир этади.

Уқалаш – асосий усул бўлиб, мушаклар тизими ва айникса чукур жойлашган мушакларни **массаж килишда** қўлланилади.

Уқалашнинг барча турлари механик таъсирига кўра икки гурухга бўлинади. Суяклардан ажратиб бўладиган мушакларда кафт ёки кафтлар билан бажариладиган уқалаш биринчي гурухни ташкил этади.

Суяклардан ажратиб бўлмайдиган мушакларда суякларга босиб, ўз жойда ҳар томонга қўзгатиб бажариладиган ҳаракатлар уқалашнинг иккинчи гурухини ташкил этади. Кичкинтой мускуллар боғламини суяқдан тортиб, бармоқлар орасида қисмланади. Бармоқка илиниши кийин мускуллар бош бармоқлар билан қисмлаб чўзилади. Боланинг елка, қуймуч ва сондаги мускуллар кафтнинг юзаси, ичи ёки кафт кирраси бироз букилган бармоқлар ёрдамида қиска, бир маромдаги босим билан **массаж килинади**.

Она қўл бармоқларини эркин бўш ҳолатда, енгил, куч ишлатмасдан юзаки, оғриқ пайдо ҳосил килмасдан **массаж ҳаракатлар яқинда** жойлашган лимфа тутунларига қаратилган ҳолда бажарилади.

Она массаж усулларини **массаж бўйича** мутахассисдан маслаҳат олган ҳолда бажариши лозим. Болани ҳар куни **массаж қилиш** керак. Аввал факат **массаж килинади**, кейин галма-гал бир кун **массаж, иккинчи кун жисмоний машқ қилиш** лозим. Бола ўсан сари **массаж вақтини қисқартириб**, бадан тарбия машқларини вақтини узайтириб борилади.

Бола ҳаётининг биринчи ойларидан бошлаб, оёқ, қўл ва тана мускулларининг ривожи учун рефлектор машқларидан фойдаланилади, бу машқлар учун товон, елка, қўл териларининг таъсирланишига жавоб сифатида бажарадиган ҳаракатлари асос қилиб олинган.

Чақалок икки ойлигида тери мускулларига ҳос рефлекслар асос қилиб олинган машқлардан фойдаланилади. Бадан тарбия машқларига алоҳида аҳамият бериш керак. Массаж ва бадан тарбия

машқларини эхтиётлик билан, куч ишлатмасдан, аста-секин ўтказиш лозимлигини унутманг.

Онанинг қўллари яхшилаб ювилган, тирноқлари олинган, қўл тақинчоқлари ечиб қўйган бўлиши керак. Присыпка сепиш ёки вазелин суртиш тавсия этилмайди, сабаби улар тери тешикларини беркитиб кўяди. Массаж ва бадан тарбия машқларидан сўнг кичкингидан баданини нам сочик билан артиб қўйиш лозим.

Дастлабки машқда, онаси чақалок болани товонининг четига яқин жойни бармоғи билан аста- секин ёзилади, бу босишига жавобан бола оёқ бармоқларини буқади. Оёқ панжаси ва кафтнинг ташки юзаси босилса; бола бармоқларини ёзади.

Кейинги бадан тарбия машқ – рефлектор эмаклаш. Бола қорни билан ётади, она кафтини боланинг товонига тирайди. Чақалок рефлектор тарзда оёғини чўзиб, онанинг харакатсиз турган кўлидан итарилиб, олдинга эмаклагандек бўлади.

Бадан тарбия машқлари мажмуасига яна бир машқни – белни ёзib керишиш машқини қўшмоқ лозим. Бунинг учун бола ўнг ёки чап ёнбоши билан ётқизилади. Она бир қўли билан унинг елкасидан ушлаб туради, иккинчи кўлининг бош бармоғи ва кўрсаткич бармоғининг икки бикини ва умурткаси бўйлаб пастдан юкорига силжитади. Орка мускул кисқарганда умуртқа погонаси тўгриланиб ёзилади.

Боланинг шу ёшида унда вазият рефлекслари – ёнбош, олди ва орқа бўйин рефлекслари пайдо бўлади. Масалан, қорни билан ёки чалканча ётган болани кафтда кўтарганда бола дарҳол бошини қайирали ва мувозанатни саклаш учун оёқларини керакли томонга йўналтиради.

1,5 ОЙЛИКДАН 1 ЁШГАЧА БЎЛГАН БОЛАЛАР УЧУН МЎЛЖАЛЛАНГАН БАДАН ТАРБИЯ МАШҚЛАРИ ВА МАССАЖ УСУЛЛАРИНИНГ НАМУНАВИЙ МАЖМУАЛАРИ

Чақалок ҳаётининг дастлабки ой охиридан бошлаб, бола соғлом ва яхши ривожланган бўлса, массаж қилиш, иккинчи ойдан бошлаб эса бадан тарбия машқлари билан шуғуллантириш фойдали бўлади. Шифокор ёки патронаж ҳамшира машқларни қандай қилиш кераклигини, бу унча қийин бўлмаган техникани ўрганиш ва керакли ҳаракатларни бекаму кўст вақтида бажариб туриш сизга бўғлиқ.

Уларнинг айтганларига амал килсангиз болангизнинг мускуллари ва бўтимлари баккувват, кучли, харакатлари уйғун бўлади.

Бола овқатлангандан кейин бир-бир ярим соғ: ўтгач ёки овқатланишдан ярим соат олдин, яхшиси куннинг биринчи ярмида шуғулланилади. Лекин зинхор кечкурун ухлатиш олдидан шуғуллантириманг. Чунки бунда бадан тарбия болани кўзгатади, кейин у яхши ухлай олмайди, безовта бўлиб чиқади. Бадан тарбия машқларини тугатгач, болани ўраб, караватчасига ёткизиб кўйинг-дам олсин.

1,5-3 ОЙЛИК БОЛАЛАР УЧУН БАДАН ТАРБИЯ МАШҚЛАР МАЖМУАСИ

Максад, вазифаси. Кун тартибига мойиллигини орттириш. Хона гигиенасига эътибор бериш ва чакалоқ ётадиган хонани тез-тез шамоллатиб туриш, хаво ҳароратини 20-22 С атрофида бўлиши лозим. Бола организмини қаршилик кўрсатиш хусусиятини ошириш энг муҳим эканлиги кўзда тутилади. Болани яланғоч ётишга ва массаж килишга мослаштириш, рефлектор бадан тарбия машқларини: эмаклаш, қаддини ростлаш, оёқ бармокларини букиш ва ёзиш харакатларини бажаришга кўнишка ҳосил килиш лозим.

1,5-3 ойлик болалар учун машгулотларнинг қўйидаги ҳолатлари мавжуд:

1. Кўлларини аста силаб, массаж килиш.
2. Оёкларни аста силаб, массаж килиш.
3. Коринни силаб, массаж килиш.
4. Корин билан ёткизиш.
5. Орқани массаж килиш.
6. Эмаклаш рефлектор тарзда.
7. Оёқ панжалари учун массаж ва машқлар.
8. Бел соҳасини рефлектор тарзда ёзиш
9. Оёқ ва қўлларни силаб массаж килиш.

Машгулотларни бошлилардан олдин она столни тайёрлайди (столга бўйланган юпқа кўрпача солиб, устидан оқ чойшаб ёзилади). Қўлидаги барча такинчокларни ва соатини очади. Тирноклари олинган бўлиши керак, қўлларини илми сувда совунлаб ювиш лозим (кўл совук бўлмасин) ъолани аста секин очинтириб, ана шу столга ёткизилади. Сўнгта оюла билан гаплашшиб турган ходда болага ширин гапириб оюланади, тарзни ви уни аллаб машгулот ўтиказиш лозим. Суст


га фаол машқлар жараенида, турлича ғыгыл үйинчоклардан өйдаланиш лозим. Ҳаракатларни боланиң кийнамасдан, силтамасдан, штиржам бир текисда, охиста, бажариш мақсадда мұвафік бўлади. Она кўллари илиқ бўлиши учун иокала кафтни бир бирига тез ташкалайди.

1. Чакалок чалканча ётқизилади. Она чап қўлининг катта бармогини боланинг ўнг кўлига қўяди, ўнг қўлининг кафти юзаси билан боланинг кўлини панжадан елкага томон йўлантириб силаб массаж килади. Ҳар бир массаж силаш билан тугалланади (1-расм).


2. Сола чалканча ётади. Она чап қўли билан бсланинг чап оғиги билан бўшгина ушлаб туради (2-расм), у ўнг қўлининг кафти юзаси билан бсолдир за соннинг ташқари юзасини силайди. Қўлни товоонда чов соҳасига томон юритади. Оёклари массаж килинганда дозза қўзи атрофини әнгилгина массаж қилиш керак. Жинсий органдар рецепторларини безовта этмаслик учун соннинг ички юзасига массаж тавсия этилмайди. Ҳаракатлар ҳар бир оёқда 5-6 марта гакрорланади.

3. Коринни вайлантириб силаб массаж қилинади. Кафтни юзаси соат миллиари йўналишида ҳаракатлантирилади.(3-расм). Кориннинг тағти мускулларини силаш учун она икки кафтини юзини паралель ташкила шу мускуллар проекцияси томонга кўяди. Унинг кўллари саронинг карама -карши йўналишда жилади. Ўч кўли ковурға сий үздан, яп бўл саса ков битишмасидан юкорига томон ҳаракат калади. Корин мускулларини массаж килаётганда ҳаракат тез сужигдан юкорига томон бошланади, охирида иккала қўл бармоқлари андикдан ўхорироқда учгашибалигиган бўлсин. Ҳаракат уч-тўрт марта бажарилади.

4. Болани корни билан ётқизиш (4-расм). Агар бола бошини яхши тута олмаса она унинг кўкраги тагига қўлини қўйиб туриши керак. Шу мақсадда кичкина болиш (гилофланган паралон) дан өйдаланиш мумкин. Бола шу ҳолатда 15-20 сония бўлади.



1-расм



2-расм



3-расм




4-расм.

5. Бола қорни билан оёқларини онаси томонга узатиб ётади. Унинг орқасини кафт усти ва ичи билан думбадан елкага томон ва аксинча силанади (5-расм). Агар бола бошини яхши тута олмаса она бир кўлини уни кўкрак тагига кўйиб иккинчи кўли билан орқасини силайди. Шу мақсадда кичкина болишдан, буқланган йўргакдан фойдаланиш мумкин. Силаш 4-б марта такрорланади.

6. Рефлектор эмаклаш. (6-расм). Бола қорни билан ётади, она кафтини боланинг оёқларига кўйиб рефлектор равища итариб туради, бола сурилади. Бола ҳали бошини яхши тута олмаган бўлса она иккинчи кўли билан унинг кўкрак соҳасидан ушлаб туради. Бу машқ 1-3 марта такрорланади.

7. Товоң соҳасини массаж ва машқ қилдириш. (7-расм). Оёқ панжаларини букиш ва ёзиш. Товоң терисига салгина босиш орқали оёқ панжалари рефлектор равища ёздирилади. Ҳар оёқда 2-3 марта бажарилади. Сўнг оёқни силаб массаж килинади (2-расмга қаранг).


8. Орқа соҳасини рефлектор равища ёзиш. (8-расм). Бу машқ умуртқанинг рефлектор равища ёзилишини вужудга келтиради. Машқ ён томонлама ётқизиб бажарилади. Расмда кўрсатилганидек бош ва кўрсаткич бармоқ билан думғазадан бўйингача умуртқа бўйлаб силаганда ўз ўзидан баданини ёzádi. Болани ўнг ва чап томонга ётқизиб, машқ бир мартадан бажарилади.



5-расм



6-расм



7-расм



8-расм

9. Күл ва оёкларни силаб өсәсаж қилиш юкорида күрсатылғандек бажарилади (1, 2 расмларга қаранг).

3-4 ОЙЛИК БОЛАЛАР УЧУН МАССАЖ ВА БАДАН ТАРБИЯ МАШҚЛАР МАЖМУАСИ

Мақсад ва вазифалари: Шартлы рефлексларни таркиб топа бошланиш жараённин төзелештириш. Ҳар куни бир вақтда массажа ечинтириш. Бир неча марта тақрорлаш йүли билан болада одат ҳосил қилиш мүмкін. **Бадан тарбия машқлары** жараённіда гапириб туриш, санаб ўйинчоқлар билан шугулланганда болани эшитиш қобилятини ривожлантариш. Болани жисмоний ривожланишига зытибор берувчи машқлар бажартириш.

3-4 ойлик болага **массаж**, рефлектор ва фаол машқлар буюрилади. Бу ёшдаги боладар билан қүйидаги тизимли машғұлттар үтказилади.

1. Күлларни **массаж қилиш** – ишқалаш.
2. Күлларни қовуштырыш ва ён түмөнларга ёзиш.
3. Оёкларни **массаж қилиш** уқалаш.
4. Иккала оёқни биргаликда ва галма-гал букиб ёзиш.
5. Қоринни **массаж қилиш**.
6. Күкрап қафасини **массаж қилиш**.
7. Чалқанча ёттан қорынга ағдариш.
8. Орқани **массаж қилиш** – уқалаш, чимдиш.
9. Дүмбани **массаж қилиш** – уқалаш, чимдиш.
10. Орқани эгиш.
11. Эмаклаш (ёрдам билан).
12. «Парвоз қилиш».
13. Ытириш холатига ўтиш.


1. Боланинг кўлларини массаж қилиш (9-расм) – ишқалаш.

Она чап қўли билан болани ўнг қўлини панжасини сал ушлаб туриб, ўнг қўли билан спиралсимон айланма ҳаракатлар қилиб, панжадан елка томонга ишқаланади. Бу усул 4-6 марта бажарилади, сўнгра боланинг иккинчи қўли ҳам шу усулда ишқаланади.


2. Кўлларни ковуштириш (10 а, б расм) болани охиста чалқанча ётқизиб, бола кўллари билан онанинг бош бармоқларини ушлайди. Она бола бармоқларини ушлаб, кўлларни аста- секин стол юзасига теккунча икки томонга ёзади, сўнгра кўлларни бир-бирига қуяди, боланинг кўллари кўкрак қафасини ёпиб, бири иккинчиси устида параллел турадиган қилиб қовуштирилади. Кўлларни ён томонга ёзишда уларни оғритмасдан аста-секин бажариш лозим. Бундай машқларни бажаришда йўинчоқлардан фойдаланиш мумкин. Бола кўлига ҳалқача, таёқча ва бошқа нарсаларни бериб қўйиш мумкин (машқлар 6-8 марта бажарилади.).

3. Боланинг оёқчаларини массаж қилиш – уқалаш (11-расм). Бола орқаси билан чалқанча ётади. Ўнг оёғи онанинг чап кўлида бўшашибган ҳолда ётади. Бунда она тиззанинг пастки соҳасинч учдан бир кисмидан тутиб туради. Ўнг кўлнинг учта бармоғи билан болдири мушагининг олдинги ва ташқи юзасини мускулларини ва сонини товондан бошлаб юқорига йўналтириб охиста уқалайди. Уқалаш усули 4-6 марта такрорланади , чап оёқ ўнг билан массаж қилинади.


4. Оёқларни букиш (12-расм). Бу жисмоний машқ ҳам чалқанча ётган ҳолда бажарилади. Боланинг оёқларини болдиридан тутиб ушланади (кўрсаткич бармоқлар юқорида туради). Айни пайтда тизза ва чанок- сон бўғимларини букиб, тиззани қоринча аста сал тортилади, сўнгра оёқлар узатиласди. Машқ бир меёрда, секин бажарилади, 4-9 марта такрорланади.




9-расм




10 а-расм




10 б-расм



11-расм



12-расм



13-расм

5. Қорин соҳасини массаж килиш (13-расм). Массаж қилиш учун бола чалқанча ётади. Она қўл бармоқлари ва кафтларини болани белига қўяди. Она қўл кафт бармоқларини қориннинг кўндаланг мушаклари бўйлаб юкоридан пастга ваз орқадан олдинга кафтлари қов устида бирлашгунча силжитиб ҳаракат килдиради. Машк 6-8 марта тақорорланади.

6. Боланинг кўкрак мушакларини массаж қилиш (14-расм). Бола чалқанча ётқизилади. Она қўл бармоқларини букиб, қовурғаларап оралиқ бўйлаб, ўргадан кўкрак қафаси ён томонларига ҳаракатлантиради, бу ҳаракатлар туфайли қовурғаларап мускуллар уқаланади. Қовурга босилмайди, эзилмайди. (2-3 мартадан тақорорланади.)


7. Чалқанча ётган жойдан қоринга ағдарилиб олиш (15-расм). Онанинг ёрдамида бажарилади. Она чап қўл билан боланинг қўлини ушлаб, ўнг қўлини болдирилниг тагига тиқади, бунда сал букилган болдирилар орасига кўрсаткич бармогини кўйиб, бошқа бармоқлари билан уқалайди. Аввал ўнг қўл билан чаногидан ушлаб, ағдариб, кейин бурилишга ёрдам бериш учун боланинг қўлидан охиста тортади, шунда боланинг ўзи корни билан ётиб олади. Болани бошқа ёнбоши билан бургандга она қўлларининг ҳолати алмашинади. Бола ҳар бир томонга 1-2 марта ағдарилади.

8. Боланинг орқасини массаж қилиш – уқалаш (16 а, б расм). Болани қорнига ётқизилади, қўллари кўкраги тагига кўйилган, боши бир томонга бироз букилган бўлади. Уқалашдан олдин орқа мускуллари узунасига ёки кўндалангига силанади (а). Орқа мускуллари


үқаланади. Кафтлар билан айлама ва илгарилаб суреб тез ҳаркатлар қилинади. Үқалаш охиста силаш билан тугалланади (10 б-расм). Массаж 4-6 марта такрорланади.



14-расм



15-расм



16 а-расм



16 б-расм

9. Думба мушакларини массаж қилиш – чимдиш усули (17-расм). Бола корни билан ётқизилади. Боланинг думбаси сал пал чимдилаш усули билан иккала кўл бармоқ ёстиқчаси билан бажарилади. Бу усул 8-10 марта такрорланади.

10. Болани корни билан ётқизиб орка ҳолатда энгаштириллади (18-расм). Она бир кўли билан гўдакнинг болдир – товон бўғими соҳаси юкорисидан ушлайди, икки кўлини белига кўйиб, боланинг оёқларини столдан бироз кўтариб, бошқа кўл билан боланинг гавдасини сал босиб туради. Боланинг белини хаддан ташқари эгиб юборишдан эҳтиёт бўлиш керак. Бу машқ 4-6 марта такрорланади.

11. Кичкентойни қорнига ётган ҳолатдан эмаклашиш ҳолатига ўтказиш (19-расм). Она боланинг оёқларини – товонлари ўзининг кафтларига тирадиб турадиган қилиб букади, иккинчи кўлни боланинг кўкраги тагига кўяди. Боланинг оёғидан аста секин итариб, уни эмаклашга ундейди, кўкраги тагига кўйилган кўл билан она ушлаб туради ва олдинга сурилишга бироз ёрдам беради. Машқ 3-4 марта такрорланади.


12. Бола парвоз ҳолатда турганда орқасини эгиш (20-расм). Бола онасининг иккала кафтида қорни ва кўкраги билан ётади. Оёқларини онанинг кўкрагига тирадиб туради. Парвоз ҳолатда она иккала қўлни олдинга чўзиб, стол устидан бироз кутаради. Бола шундай ҳолатда

O'zbekiston Davlat jismoniy ta'g'isiya


Ётганды унинг орқаси рефлектор тарзда эгилади, бошини орқага ташлайди ва оёқларни тўғри узатади. Машқ 3-4 марта тақрорланали.




17-расм



18-расм



19-расм



20-расм



21-расм

13. Ўтириш ҳолати (21- расм). Она ёрдамида бажарилади. Бола стол устига чалқанча ётқизилади. Она иккала кўли билан боланинг иккала ёнбошдаги кафт билак бўғинидан ушлайди ва уни ўтириғизади, кейин оҳиста чалқанча ётқизади. Ётқизилаётганды боланинг боши столга урилмаслиги учун кўлини боланинг бўйнидан тутиб туради. Бу ҳаракат 2-4 марта тақрорланади.

5-6 ОЙЛИК БОЛАЛАР УЧУН МАССАЖ ВА БАДАН ТАРБИЯ МАШҚЛАРИ

Машқларни ўтқазишдан мақсад: болаларда скелет мушакларини тез ривожланишига, болаларни мустакил ҳаракат қилиши учун, гавдани бўшлиқда мустакил ҳаракат килишига шароит яратилади. Машғулотга фаол ва суст ҳаракатларни қўшиш зарур.

Машқлар бир текисда силтамай, күч ишлатмай бажарища товуш чиқариб (бир, икки, уч) деб санаш лозим. Албатта күл оёкларга, орқага, қоринга ва оёқ остига массаж бериш лозим.

Бу ёшдаги болаларга жисмоний машқлар қуйидаги тизимда олиб борилади:


1. Күл навбатма –навбат олдинга чўзиш ва букиш – “бокс”.
2. Оёкларни чўзган ҳолатда галма-гал кўтариш.
3. Оёкларни узатган ҳолда ўтириш ҳолатига ўтиш.
4. Чалқанча ётган ҳолатдан, ўнг ва чап ёнига ағдарилиб, корин бўлан ётиш.
5. Елкани ҳаракатлантириш олдинга, орқага кўтариш, керишиш.
6. Оёкларни галма-гал букиб ёзиш “велосипед”.
7. Кўлларни буқмай галма-гал кўтариш.
8. Сирпаниб қадам ташлаш.
9. Кўйилган ўйинчоқ томон эмаклаш.
10. Оёқ ва қўлларни массаж қилиш.

Шу ойдаги болаларнинг скелет мускуллари тез ривожланади, бу бола гавдасини ҳаво бўшлиқда мустакил ҳаракат қилишига шароит яратади. Мўтадил ўтқазиладиган машгулотга суст фаол машқларни кўшиш зарур. Бу ёшдаги болаларда жисмоний машқлар қуйидаги тартибда олиб борилади.


1. Кўлларни галма-гал олдинга чўзиш ва букиш, яъни “бокс” (22-расм) ҳаракатлари бажарилади. Болани стол устига чалқанча ётқизилади. Болага массажчининг бош бармоғи ёки ҳалқа ушлатиб кўйилади, кейин қўли бирин – кетин букилади ва чўзилади, бунда бола қўлининг учидан сал ушлаб турилади. Машқ 6-8 марта такрорий бажарилади.

2. Оёкларни тиззадан буқмасдан галма-гал юқорига кўтариш (23- расм). Бола чалқанча стол устига ётқизилади. Оёклари тиззадан тўғри узатилади. Ўнг болдири аралаш тиззасини ушлаб, чап оёгини кимирлатмай турилади. Сўнгра оёқлар бирин-кетин чаноқ –сон бўғимида тўғри учбурчак ҳосил бўлгунча навбатма-навбат кўтиради. Ҳар бир оёқда 4-6 марта бажарилади.


3. Болани ўтириш ҳолатига ўтиши (24-расм). Стол устига бола оёкларини онаси томонга узатиб чалқанча ётқизилади. Она қўлининг бош бармоғини боланинг кафтига кўяди, иккинчи қўли билан унинг сонини ушлаб туради. Она боланинг кўлидан ушлаб, уни ўзига охиста тортиб ўтиришга ундаиди ва кўмаклашади. Сўнгра болани яна секин-аста чалқанча ётқизилади. Машқ 3-4 марта қайтарилади.




22-расм



23-расм



24-расм



25-расм

4. Чалқанча ётган ҳолатдан болани қорнига ағдариб олиш (25-расм). Бола оёкларини онаси томон узатиб чалқанча ётқизилади. Она чап қули билан боланинг панжасидан ушлаб, ўнг қулини боланинг болдири тагига кўяди, кўрсаткич бармоғини букилган болдирилар орасига тиқади. Боланинг қўлидан оҳиста тортиб, унинг ағдарилишига ёрдам беради, шунда боланинг ўзи қорнига ағдарилиб олишига кўмаклашади. Бошқа томон билан ағдарилганда она қўллари ҳолатини ўзгартиради. Машқ 1-2 марта тақрорланади.

5. Елкани бироз кўтариб, орқага ёзиш (26-расм). Бу жисмоний машқ елкани бироз ушлаб туриб бажарилади. Бола қорни билан ётқизилади, қўллари икки ёнига узатилади. Она боланинг елкаларидан ушлаб, кўкраги томон бироз қисади ва ёзади. Шунда гўдак бошини ўзи мустакил кўтаради, елкаларини орқага ёзади. Машқ 4-6 марта тақрорланади.

6. Оёкларни бирин кетин букиш (27-расм). Болани стол устига чалқанча ётқизилади. Болани иккала болдиридан ушлаб (кўрсаткич бармоқлар юқорида туради), оёкларини кетма-кет гўё велосипед хайдаёттнга ўхшатиб букиб, ёзилади. Машқ 6-8 марта тақрорланади.

7. Оёқни сирғантириш (28-расм). Бола чалқанча ётқизилади стол устига; оёклари тиззасидан букилади, товоңлари столга тегиб туради. Она болани иккала болдиридан ушлаб туриб, товоңларини стол устида кетма-кет сирғантиради. Машқлар 8-10 марта қайтарилади.

8. Ростланган қўлларни чўзиб, навбатма-навбат кўтариш (29-расм) Болани чалқанча ётқизилади стол устига, қўллари ёнида


бұлади. Массажчи болалы панжасидан ушлаб, құлларини столға теккунча олдинга ва юқоринга секин-аста құттаради ва дастлабки ҳолатта қайтаради. Құллар ҳолатини алмаштириб, машқ 6-8 марта тақрорланади.




26-расм



27-расм



28-расм



29-расм



30-расм

9. Ўйинчоққа интилиб әмаклаш (30-расм). Бола қорни билан стол устига ётқизилади. Она гүдакнамиг олдига ўйинчоқ күйиб, ўйинчоқ турған жойға әмаклашга ундаиди. Бунда оғзининг тағидан товонидан бироз итариді күяди. Машқ 4-6 марта тақрорланади.

10. Оёқ ва құлларни массаж қилиш (3-4 ойлик болаларға мүлжалланған 9,10, расмларға қаралсın).

7-8 ОЙЛИК БОЛАЛАР УЧУН МАССАЖ ВА БАДАН ТАРБИЯ МАШҚЛАРИ

Мақсад: Бу ойдаги болаларда фаол ривожланиш давом этади.

Болада букувчи ва ёзуучи мушақлар тенглапшади. Шунинг учун суст ҳаракат оёқ құлларға зытибор күчтейтириш лозим.

Бүйин олди мушакларга машқ бериш эса, болани бошини күтариб тутиш ва овқат рефлекси, бүйин ҳамда бошини буриш ҳаракатлари ривожланади. Бу ёшда фаол ҳаракатларни ётган ҳолатда ва ўтирган ҳолатда бажариш мумкин (күлларидан ушлаган ҳолда).

Бадан тарбия ҳаракатлар бир текисда күч ишлатмай, охиста бадан тарбия машқлар бажариш жараёнида – овоз чиқариб (бир, икки, уч) ўтказилиши лозим. Бадан тарбия ҳаракатлар тобора уйғун, бошқариладиган бўла боради, бу муолажа оёқ, кўл, орқа, корин ва оёқ ости массаж қилиниши мақсадга мувофиқ бўлади. Бадан тарбия машқлар ва массажни давомийлиги 12-15 дақиқа бўлса мақсадга мувофиқ бўлади.

Бадан тарбия машқлар ва массаж бу ёшда қуйидаги тартибда олиб борилади

1. Кўлларни навбатма-навбат ёзиш.
2. Иккала оёқни баравар күтариш.
3. Суянтириб туриб ўтиргизиш (онаси ёрдамида ўтириш ҳолатини олиш)
4. Гавдани күтариш.
5. Оёқлар билан айланма ҳаракат қилиш.
6. Чалқанчадан қоринга ағдарилиб олиш.
7. Гавда ва оёқни күтариш
8. Ўйинчоқлар, буюмлар ва бошқа нарсаларни олиш.
9. Ўйинчоқ кетидан эмаклаш.
10. Орқани ва қоринни массаж қилиш.
1. Кўлларни кетма-кет олдинга букиб, ёзиш (31-расм). Бола кўлида ҳалқа ушлаганча чалқанча ётади. Она ҳалқадан тутиб, боланинг тўғри турган қўлинни галма-гал олдинга күтариб, тушириш машқи 6-8 марта такрорланади. Бу машқни ҳалқасиз бажарса ҳам бўлади.
2. Бола оёқларини юқорига кўтариш (32-расм). Болани чалқанча ётқизилади, массажчи ёки она боланинг оёқларини ростлаб, катта бармоқлари билан пастдан, болдиридан ушлаб кўтаради, кейин сонни қоринга теккизади, сўнгра тушуради.


Бу машқ 4-6 марта такрорланади.

3. Суянтириб туриб ўтириш (онаси ёрдамида ўтириш ҳолатини олиш) (33-расм). Болани чалқанча ётқизилади. Болани иккала қўлинни панжасидан ушлаб туриб, массажчи ёки она уни ўтиришга ундейди. Машқ 2-3 марта такрорланади.


4. Бола танасини кўтариш (34-расм). Бола чалқанча ётқизилади. Массажчи ёки она чап қўли билан боланинг сон соҳасидан шундай тутадики, бунда бош бармоғи билан пастдан, қолганлари билан юқорисидан ушлайди. Ўнг қўл билан боланинг орқасини ушлаб туриб, она ёки массажчи унинг гавдасини столдан кўтаради. Бола қўли билан столга таянади. Машқ 1-2 марта такрорланади.




31-расм



32-расм



33-расм



34-расм

5. Оёкларни айланма ҳаракат қилдириш (35-расм). Болани чалқанча ётқизилади. Она болани болдиридан ушлаган ҳолда оёкларни букади, сонларни қоринга тортади. Сўнгра оёкларни букилган ҳолда икки томонга ёзиб, кейин тўғрилайди ва дастлабки ҳолатга қайтади. Машқ 3-4 марта такрорланади.

6. Чалқанча ҳолатдан қоринга ағдарилиш (36-расм). Бола чалқанча ётган ҳолда, онага оёқ узатган ҳолатда ётади. Она чап қўли билан боланинг билагидан, тутиб, ўнг қўлинини унинг болдири тагига кўяди, унинг кўрсаткич бармоқлари боланинг букилган болдири орасида туради. Кўлидан сал тортиб кўмаклашгач, боланинг ўзи ағдарилиб олади. Бошқа томонга ағдарилганда онанинг қўл ҳолати ўзгаради. Ҳар томонга 1-2 мартацдан такрорланади.

7. Гавдани кўтариш (37-расм). Болани чалқанча ётқизилади, она чап қўли билан боланинг болдири-товоң бўғимиidan шундай ушлаши керакки, бунда катта бармоқлар пастдан, қолганлари устида туради.

Болани орқасидан ўнг қўли билан ушлаб, танасини стол устидан сал кўтаради, бунда боланинг боши стол юзасидан узилмаслиги керак. машқлар 1-2 марта такрорланади.



35-расм




36-расм



37-расм



38-расм



39-расм

8. Ўйинчокни ушлаш (38-расм). Бола ўтиради, она ранги очиқ, жаранглайдиган ўйинчокни юкори күтариб, уни олишга болани ундаиди. Машқ 6-8 марта тақрорланади.

9. Ўйинчоқ кетидан эмаклаш (39-расм). Бола қорни билан ёткизилади. Она ўйинчоқни полга қўйиб, уни секин-аста нари суреб, болани тез-тез эмаклашга, уни ушлашга ундаиди. Машқ 6-8 марта тақрорланади.

10. Бола орқа ва қорин қисмини массаж қилиш (10, 11, 12, 13-расмларда баёни 3-4 ойлик болаларга мўлжалланган массаж ва машқлар берилган).

9-12 ОЙЛИК БОЛАЛАР УЧУН БАДАН ТАРБИЯ МАШҚЛАР ВА МАССАЖ МАЖМУАСИ

Мақсад: Бола бу ёшда жуда сөрхәракат бўлиб қолади. Бадан тарбия машқларга кафт бармокларининг майдага мушакларига, катта мушак ва ҳаракат координацияси киритилган машқлар ёрдамида ривожлантириш мумкин. Бола ўз танасини бир ҳолатда ушлашга, суюнмай ўтириш, эмаклаш, ўрнидан туришга ҳаракат, тиralган холда туриш, юришга интилиш ва ҳ.к. Бола гапларга тушуна бошлайди. Кийин бўлмаган бадан тарбия машқларни, топширикларни бажара олади. Машғулот жараённида шартли рефлексларни сўз билан ифодалашда она болада кўнникма ҳосил бўлади (ўтириш, олиб бер, ол, каттик ушла), бу хамма хабар шартсиз рефлекс ёрдамида бажарилади. Бола (тўп, ҳалқа, таёқча) билан фаол машқлар бажарилади. Машғулот жараённида доимо болага гапириб туриш ёдингизда бўлсин. Бу ёшдаги болалар учун жисмоний машқ ва массаж кўйидагича ўtkазилади.

Бадан тарбия машғулот давомийлиги 15 дақиқа.


1. Кўлларни айланма ҳаракат килиш.
2. Оёқларни тўғри узатиб кўтариш.
3. Орқа билан чалқанча ёттан ҳолатда оёқлар билан юриш ҳаракатини бажариш.
4. Тизза билан туриш.
5. Ўтириб туриш.
6. Гавдани эгиш (танани эгиш).
7. Ўтирган жойда танани ўнгга, чапга буриш.
8. Белдан букиш (орқани эгиш) - “баликча”
9. Юриш (йўлкадан ёки пояндоэда).
10. Ўгириб туриш (мустакил).
11. Ўйинчоқ томон эмаклаб юриш.
12. Тик туриш – гоз-гози туриш.
13. Ярим чўккайиб ўтириш (бир маромда сал ўтириб, туриш).

БАДАН ТАРБИЯ МАШҒУЛОТЛАР МАЖМУАСИ


1. Ёлани чалқанча ётқизиб, она боланинг билагидан тугиб, ёлларини айланма ҳаракат килдиради. 4-6 марта тақрорланади (40-расм).
2. Ёлани чалқанча ётқизиб, она болдири-товоронидан ушлаб, ёқларини ўтаришга ёрдам беради. Машқ 5-6 марта тақрорланади (41-расм).

3. Чалқанча ётган болани она болдир-товоронидан ушлаб бир жойда юриш машқини бажариш. (42-расм). Бунинг учун боланинг обеклари тиззадан букилади. Она обекларни харакатлантириб, бир жойда юриш ҳаракатини бажаради. Машқлар 10-12 марта такрорланади.

4. Тиззалаб ўтириш (43-расм). Гантияни қорни билан ётқизиб, она болани кўл панжаларидан ушлаб, боланинг хохлаган обекли билан тиззасида туришга ундиши, кейин унинг қўлларини юкорига кўтариб, болани обекка туришига ёрдам беради. Машқ 2-3 марта такрорланади.



40-расм



41-расм




42-расм



43-расм




44-расм



45-расм



46-расм





47-расм

5. Ўтириб туриш (44-расм). Она боланинг қўлтиғидан тутиб туради. Куч ишлатмай уни ўтиришга, сўнгра оёқларини тўғрилаб туришга ундаиди. Машқ 4-6 марта қайтарилади.

6. Гавдани букиш (45-расм). Бола онага орқасини ўгириб туради. Она бир қўли билан уни ушлаб, иккинчи қўли билан боланинг унинг эгилган тиззаларидан маҳкам ушлайди. Болани оёги тагига ташланган ўйинчоқни эгилиб олишга ва ўрнидан туришга ундаиди. Машқ 3-4 марта тақрорланади.

7. Болани ўтқизиб чап ва ўнг томонга бурилиш (46-расм). Бола чап қўлинини ўзидан четроққа қўйилган ўйинчоқни олиши учун чўзилади. Шундан сўнг ўйинчоқ ўнг томонга олиб қўйилади, бола энди унга ўнг қўлинини чўзиши керак. Машқни бажариш жараённада боланинг вазиятини кузатиш зарур: у тиззасини бироз букиб ўтириш лозим. Машқ 5-6 марта бажарилади.

8. Белни букиш- “баликча” (47-расм). Болани қорни билан ётқизилади. Болага онаси қўлларини орқага ён томонга чўзишга ёрдамлашади, шунда бола бошини олдинга ва юкорига кўтаради. Машқ 2-3 марта тақрорланади.



9. Йўлқадан юриш (48-расм). Бола онанинг кўлидан ёки таёқчадан ушлаган ҳолда бажаради. Машқ 20-30 дақика давом этади.

10. Мустақил ўтириб туриш (49-расм). Болани кичикроқ стулнинг орқасига турғизиб қўйилади, уни ушлатган ҳолда буйруқ бўйича ўтиришга ундаиди. Сўнг бола ўз ихтиёри билан туради. Машқ 3-4 марта такрорланади.

11. Эмаклаб юриш (50-расм). Бола гиламда тўрт обклаб туради. Она боладан 5-6 қадам нарига ўйинчок қўяди ва болани ўйинчоқнинг олдига боришга ундаиди. Машқ 3-4 мағта такрорланади.

12. Тик туриш (мустакил равнишда 51-расм). Бола бирор нарсани ёки онасини ушлаб, гиламда туради. Сўнгра она болани 20-30 дақиқагача гоз-гози турғизади.

13. Бир текисда ярим чўккайиб ўтириш (52-расм). Она иложи бўлса мусиқа садолари остида тиззаларини бир текисда сал эгишини кўрсатади, кейин болани ушлаб туриб, унинг 20-30 дақика давомида ярим чўккараб ўтиришга ундаиди.

Агар бола чарчаб қолса, машғулотлар охирида уни оёғи, қўли, орқаси ва корни массаж килинади.

Бадан тарбия машқлар мажмуасидан болалар севиб, бемалол бажарадиган машқлар танлаб олинади. Вақти- вакти билан жисмоний машқлар шаклини ҳамда навбатини алмаштириб туриш мақсадга мувофиқ бўлади.

Юқорида баён этилганлардан ташқари, шуни эслатиш керакки, массаж ва жисмоний машқлар болани совук ва иссиққа чидамли килади. Бадан тарбия машғулотлари жараённида боланинг асаб тизими ташки мухитдаги ҳарорат ўзгаришига мослашиб боради. Бола ечиши, бадан тарбия машғулотларига тайёрлаш жараённида, шунингдек массаждан кейин ҳўл сочиқ билан бадани артганда чиникади.

Мана шу бажарилаётган мажмуалар бола организмида фойдали шартли рефлексларнинг пайдо бўлишига ёрдам беради, бу рефлекслар болани совукдан саклаш учун ўз-ўзидан муҳофаза этадиган ички ресурсларни тез сафарбар этишга ёрдам беради.

БИР ЁШДАН УЧ ЁШГАЧА БҮЛГАН БОЛАЛАРНИНГ БАДАН ТАРБИЯСИ

БИР ЁШДАН УЧ ЁШГАЧА БҮЛГАН БОЛАЛАР РИВОЖЛАНИШИННИГ АНАТОМИК-ФИЗИОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Бола түғилгандан 1 ёшга тұлғунга қадар үтган даврни гүдаклик даври дейилади. Бола ҳәетидеги кейинги давр – 1 ёшлыгидан 3 ёшга қадар бүлганса да болада анатомик-физиологик жиҳатдан, жисмоний ривожланиш борасыда үзиге хос ҳусусиятлар мавжуд бўлади, ота-оналар бу ҳусусиятлардан ҳабардор бўлсалар, ўз фарзандларининг алоҳида ҳусусиятларини чуқуррок билиб олиш, болани ҳаракат қўникмаларига изчил ва тўғри ўргатишга (шу жумладан мустакил ҳаракатга интилишининг интилишининг барча кўринишлари ҳам киради), унинг қизиқишилар доирасининг кенгайтиришга ёрдам беради. Жисмоний ҳаракатлар ривожининг суръати ва изчилигига тарбия шароити ҳамда катталарининг таъсирига, шунингдек боланинг алоҳида ҳусусиятларига боғлиқдир.

Бу ёшдаги болада бош мия жадал ривожланади, бош сұяги, мия, орқа мия толалари ҳамда бош мия пўстлоғи нутк марказлардаги нерв ҳужайралар сони кўпаяди ва ортади, нерв ҳужайралари чидамлироқ бўла боради, иккинчи сигнал тизими қарор топа бошлайди. Олий нерв фаолиятининг ривожи кун жиҳатдан ташки мухит таъсирига боғлиқ бўлади, чунки ривожланишининг бу даврида бола организмida маълум функциялар, қўникмалар, одатлар, бола тарбиясига хос хулқ автор белгилари осон шаклланади. Бош мия пўстлоғидаги ҳаракат марказининг ва миячанинг ривожланиши туфайли ҳаракат анализаторлари шаклланибгина қолмай, балки такомиллашиб боради.

Болани руҳий ривожланиши руҳий функциялар ва шахсиятнинг камол топиб етилиб борищдан иборат мураккаб жараёндир; бу ирсий-биологик ва ижтимоий омиллар (таълим-тарбия, атроф мухит) га боғлиқ бўлиб, шулар таъсирида ўтади. Бола руҳияти ҳеч тўхтамасдан, гоҳо жадал, гоҳида бирмунча суст равища доим тараққий килиб боради. Боланинг ҳар бир даври үзиге хос анатомик- физиологик ва руҳий ҳусусиятлари билан белгиланади, айни вактда болада янгидан янги эҳтиёжлар ва атрофдаги мухитга нисбатан муайян хилдаги муносабатлар пайдо бўла бошлайди, пировард натижада инсон шахсияти қарор топади. Айрим руҳий функциялар босқичма-босқич такомил топиб боради. Бола түғилгандан то 1 ёшга тўлғунча асосий

харакат функциялари ривожланиб борса, 1 ёшдан 3 ёшгача бўлган даврда бирмунча мураккаб ҳаракатлар билан ҳиссий томонлари, 3 ёшдан 12 ёшгача тўйгу-хаяжонлари (эмоционал томонлари), 12 ёшдан кейин фикрлаш, тафаккур фаолияти етилиб боради. Бундай давр ёки босқичларни фарклаб, ҳар бир руҳий функцияянинг шаклланиши белгили бир пайтда бошланниб, маълум бир пайтда поёнига етади, деб бўлмайди. Унинг шаклланиши анча илгари, ўзидан олдинги ривожланиш даврида бошланади, шу сабабли боланинг руҳий ривожланишини юкоридагидек босқичлар, даврига ажратиш шарттир.

И.П. Павловнинг олий нерв фаолияти ҳақидаги таълимотига кўра, тўғри танланган, ташкил этилган, мунтазам шугулланиладиган бадан тарбия машқлари, ўйинлар ҳамда бошка фаол ҳаракатлар заминада нерв тизими функцияларини машқ қилдириш жараёни мавжуддир. Жисмоний ҳаракатларни доимий тарзда такрорлаш туфайли янги рефлектор алоқалари пайдо бўлади, нерв тизими такомиллашади, организмнинг ҳаракат ва бошқа функциялари ривожланади.

1-3 ёшгача бўлган болалар асосий ҳаракатларни (юриш, югуриш, сакраш, улоқтириш, осилиш, осилиб чиқиш, букилиш), ўрганиб борган сари уларнинг ички аъзолар функцияси такомиллаша боради. Шу билан бир вактида, бу ёшда болалар ҳали жисмоний жиҳатдан нозик, салга таъсирланадиган бўлиб, турмуш шароитининг ўзгаришларига зўрга мослашадилар, тормозланиш ҳолатига аранг бардош берадилар.

Бу ёшдаги болаларда **нафас тизимининг ўзига хос ҳусусиятлари** мавжуд. Болаларда қон билан хаво ўртасидаги газ алмашинуви катталарга нисбатан анча суст, чунки уларда нафас ҳаракатларнинг тезлиги катта бўлиб, ҳажми кичиқdir. Бир ёшли бола жим ётганда бир дақиқада 35 марта, икки ёшда 31, уч ёшда 28 марта нафас олади. Юкори нафас йуллари бурун катаклари, томоқ, трахея ва бронхлар тор бўлади. Қовургалар умуртқадан деярли тўғри бурчак ҳосил қилиб горизонтал вазиятда бўлади, натижада ўпканинг тўла вентиляциясига имкон бўлмайди: ўпкага борадиган хаво газ алмашиш рўй берадиган энг майда пуфакчаларга (альвеолаларга) етиб бормайди. Шу сабабли болаларни ёшлигиданок моддалар алмашинуви жадаллигини (интенсивлиги) рағбатлантириш учун зарур бўлган кислород келишини таъминлаш максадида тўғри, текс нафас олишга ўргата бормоқ керак. Агар бола оғзидан нафас олса, нафас олиш ритми бузилади. Бу тартиб бузилиши бутун организга таъсир этади: бола тез чарчайди,

овқат хазми издан чиқади, боши огрийди, ақлий ва жисмоний жихатдан ривожланишда орқада қолади.

Юрак-томир тизими бирмунча ривожланиб, такомиллашиб боради; юрак вазни ортаверади. Юрак-томир тизимининг ўзига хос хусусиятлари қон айланишини осонлаштиради, томир уриш сони секин-аста камайиб, артериал қон босими ёшга қараб ортиб боради.

1-3 ёшгача бўлган боланинг юрак-томир тизими сезиларли ўзгаришга дуч келади; юрак кўкрак қафасида пастрок ва чапроқ томонга жойлашади, унинг шакли ўзгаради (у тухумсимон шакл олади). Бир ёшда унинг юраги бир дақиқада 100-120 марта, уч ёшда 100 марта кискарадиган бўлади. Бу ҳам моддалар алмашинуви жараёнининг жадаллиги натижасидир. Чунки бола ўсган сари организмнинг озиқ моддаларга ва кислородга бўлган эҳтиёжи орта боради.

Бола бир ёшга тўлганда кунига 1-2 марта ич келиши аста-секин камаяди. Хазм органлари катталарникига нисбатан кўпроқ зўриқади (болага 1 кг вазнга катта кишига қараганда 2-2,5 марта кўпроқ овқат талаб этилади).

Сийдик, жинсий органлари ҳам ривожланиб боради, ковук катталашади, йил охирига бориб сийдик ажралиши анча камаяди. Бола ҳаётининг биринчи йилида нерв тизими жуда тез ривожланади. Йил охирига бориб мия вазни 2,5 баравар ортади. Болада сезги органлари ривожланади, боланинг ҳаракатлари борган сари мурак-каблашади, ижобий ва салбий сезишлар пайдо бўлади, нутқи ривожлана бошлайди.

Марказий нерв тизими ўз фаолиятини мана шу эҳтиёжларини қондиришга мослай боради.

Периферик нервлар (бош ва орқа миядан бошланади) йил охирига келиб миелин парда билан қопланади, у ўзига хос изолятор бўлиб хизмат қиласи, - бола турли хил тааъсуротларига беихтиёр эмас, балки мақсаддага мувофик ҳаракат қила бошлайди. Тобора янги шартли рефлекслар пайдо бўлади ва ривожланади. Масалан, бола кўлда ётқизиб кўтарилиганда сут ҳидига уни бошини буриб қўйилса, кўкрак қидиришга ҳаракат қиласи.

Бола бир ёшга тўлганда табиий тренировкалар таъсири остида мускулларда, айниқса қоматни тик ҳолатда тутиб турувчи ёзувчи мускулларда сезиларли ўзгариш юз беради, уларнинг хажми анча катталашади (улар букувчи мускулларга қараганда уч марта катталашади).

Бола уч ёшлигига мускуллари гавда умумий вазнига нисбатан 20-22 фоизни ташкил этади. Улар қисқариш кобилияти аник намоён бўла боради. Бу даврда умуртка погонасининг эгилма ҳолати шаклланади, у гавда қорин қисмининг босими билан мустахкамланади, бадан қайишкоқлиги пайдо бўлади. Гавданинг тик ҳолатини сақлаб туришда деярли 300 та кичик-кичик мускуллар биргаликда фаолият кўрсатади, шунинг учун мана шу ёшдаёқ боланинг ўтириш, юриш, югуриш, туриш пайтида гавдасини тўғри тутишга зътибор бериб, тури машқлар бажариш билан хушкомат бўлишини тъминламоқ лозим.

Бадан тарбияни болада илк ёшлигиданоқ, зўрламасдан, ниҳоятда кунт билан бошлаш лозим. Бунда талайгина меҳнат сарфлаш ва сабр-токазтили бўлиш керак. Тарбия жараёнида секин-аста жўн бадан тарбия машқларидан бирмунча мураккаб машқларга ўтилади, ўтилганларни муттасил такрорлаб ва мустахкамлаб борилади.

Бола тарбиясини асосан боланинг кун тартибини тўғри ташкил килиш, унинг харакат кўнижмаларини кўриш, эшитиш сезгиларини, шунингдек нуткини ривожлантиришга қаратиш лозим.

Аввало кун тартиби катъий бўлиши, яъни бола бир вактда ухлаб, сир вактда ўйнаши, овқатланиши, сайр қилиши, массаж, жисмоний машқлар ва х.к. Бу болани тарбиясини енгиллаштирибгина қолмай, балки уни улғайиш сари тартиб-интизомли бўлишга, осойишталикка ўргатали. Кун тартибига риоя қилинмаса, бола ёмон ухлайди, инжик бўлди: пала-партиш овқатлантирилганда иштахаси йўколади, кам овқат ейди ва озиб кетади.

Еслаб икки ёшдан ўтганда унинг бўйи чўзилиб 10-11 см, уч ёшида 8 см ўсиб, бу пайтда бўйи 83-84 см, вазни 14-15 кг келади. Шуни таъкидлаш лозимки, бу даврда болада ҳали ҳаракатларни ўзлаштириш бўшрок бўлиб, улар аста-секин эгалланади. Аввалига бола қўлларини лангар қилиб ёйиб, калавланиб, кенг қадам ташлаб кора бошлайди, бир ярим яшар бўлганида тетикроқ юра бошлайди. Икки ёшга тўлгандан сўнг у сакрай бошлайди, демак унда ҳаракатлар ҳалласи такомиллашади.

Бола уч ёшлигига бемалол мувозанатни сақлаб юради, югуради. Шунингдек, унда аста-секин психик жиҳагдан ривожланиш ҳам юз беради.

1-3 ёшлигига бола нималарни билади ва унда қайси ҳаракат кўнижмаларни ривожлантириш керак?

БИР ЁШГАЧА БҮЛГАН БОЛАДА ҲАРАКАТ МАЛАКАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УСЛУБИЯТИ

Ота-оналар бола ёшига түлгүнча тез ўсиши ва ривожланишини унутмасликлари керак. Бола нормал ўсиш ва ривожланиш, ой сари кучга тўлиши, чидамли ва бақувват бўлиши учун ота-оналар ушбу кўлланмада тавсия килинган бадан тарбия машқлари мажмуаси ва массаж усулларини бажариш билан чекланиб қолмасдан, балки бола ҳаётининг биринчи йили давомида унинг ҳар томонлама эркин, уйгун ривожланишини кузатиб бориши керак. Болалар ҳаммаси ҳам бир вактнинг ўзида у ёки бу малакаларини эгаллаб ололмаслиги мумкин. Болалар билан доимий ва мунтазам шугулланиш ҳаракат малакалари ва кўникумаларини анча эртарок эгаллаб олишларига ва организмни иммунитетини оширишга имкон беради.

Демак, ота-оналар у ёки бу хилдаги ҳаракатларнинг болада качон пайдо бўлишини билиб қўйганлари лозим.

Бола скелетининг кўп кисми тогай тўқимадан иборат бўлиб, майнин ва эгилувчан бўлади. Бу ёшдаги болалар серҳаракат бўлиб, бу эса склетьнинг зўриқишига олиб келади. Бола ривожланар экан, ўз тенгкурларидан бирмунча орқада қолиши ёки, аксинча, ўзиб кетиши мумкин. Арзимас бўлган бундай ўзгаришдан ота-оналар хавотирланмасалар ҳам бўлади. Бундай болалар билан дастлаб патронаж ҳамшира ёки педиатр назоратида, сўнгра мустакил равишда ҳар қуни бадан тарбия машқлари ўтказиб туриш зарур. 9 ойликдан бир ёшгача бўлган болаларнинг мустакил фаолияти ота-оналарнинг бу ишни канчалик ташкил қилишларига боғлиқ бўлишини ҳам унутмаслик керак.

Ҳар-хил бадан тарбия машқлари учун воситаси бўлиши керак, улар боланинг хонада ҳаракат қилишини осонлаштириши ва унда турлича янги таъсуротларни пайдо қилиши мумкин. Булар учун баланд бўлмаган столчалар, суюнчикли баланд аравачалар, стуллар бўлиши мумкин. Бола хонасининг турли томонига ранги очик ўйинчоқларни қўйиб қўйиш ҳам маълум, чунки улар бола дикқатини узоқдан жалб киласди.

Бола ўйинчоқлар билан машғул бўлар экан, ўзининг ривожланиши учун и ҳаракатлар бажаради. Бола ёшига еттач, ўйинлар ўйнаганда баъзан ҳаракатларнинг маълум натижаларига эришади.

Бола бир ёшлигига пиёлада чой ича олиши, уни мустакил ушлаб олиши, нонни четини ейиши, ювинтирганда, ечинтирганда, кийин-

тирганда фаол ҳаракат килиши (күлини узатиш, бошини буриши) керак. У ўзи мустакил юради, баландлыги 15-20 см келадиган зинапоядан чикади, ўйинчоқ ва коптотекарни яқинроқ масофага улоктиради 7-10 тача сўзни (ада, опа ва бошқалар) аник айта бошлайди.

Бола бир ярим яшарлигига ўзи мустакил шошилмасдан кошиқда овқат ейиш, катталарнинг гапини тушиниши, тувагини сўрашни билиши лозим. Бола куйидаги ҳаракатларнинг уддасидан чикади: бола юраётганда йўналишини ўзлаштиришга ўргатинг, унда бола чайқалиб юради, йўлкағача таёқчани босмай, устидан хатлаб ўтишни, зинапоядан биттама – битта олдинга интилиб чиқишига, йўлкага тахта ташлаб устидан тушмасдан юришга, коптотекни кўлига тутқазиб уни ерга уришга, уни тутишга интилишга ҳаракат килдиринг, коптотекни тепишга, коптотекни думалатиб юришга ўргатинг ва ҳоказо.

Бола икки ёшлигига ҳамма овқатни ўзи мустакил ейиши, дастурхон атрофидаги ўз ўрнини толиб ўтиришга ёрдам беринг, мустакил стулга ўтиришга унданг, стулни сурниб қулай килиб ўтиринг ўргатинг стулда жойдан кўзгалиш катталар ёрдамида кўлни артиш, кийиниб, ечинишни нарсаларини ўз ўрнига тартиб билан кўйишга ўргатинг.

Бола бу ёшида нотекис бўлган жойда бемалол бурилиб юриши, таёқча: кичик ариқ устидан хатлаб ўтиши лозим, ўта олмаган вактда болага ёрдам бериш керак, турган нарсаларни айланниб ўтишни билиши, тўхтаб қолган холатда айланниб ўтишга ёрдам бериш, зинапоядан чиқиб тушади, чиқиб тушишга қийналган холатларда ёрдам бериш, болани олдига ўтиб кучоқ очиб тез чопишга ундаш лозим. Катталар ёрдамида ўзига гимнастик скамейка ёки баландрок узунчоқ ходалар устидан кўрқмай, ўйинчоқ коптотек ушлаб юра олади. Бола сакрашга таҳлид қиласи, тикка нарвондан чиқа олмаса, катталар кўмагида ва бунда доимо хушёр бўлиш лозим. Бола коптотекни икки кўллаб ташлашни яхши уддалаши лозим, бажара олмаган такдирда катталар ёрдамида бирнече марта бажаришлари, икки ёшлигига эса коптотекни ўнг ёки чап кўли билан яқинроқ масофага иргита олишини уддалай олиши керак.

Бола икки ёшлигига ўз истагини осонроқ сўзлар билан ифодалай бошлайди.

Бола уч ёшлигига барча ҳаракат турларини ўзлаштиради: бемалол юради, югуради, таёқча устидан мустакил хатлаб ўтади, бир

оёк билан иргишилаб юра олади, коптотки бамалол улоқтира олади, коптотки илиб олади. Шундай килиб, З ёшдаги болада кўпгина кўникумалар ва бошқа болаларга нисбатан маълум ўзаро алоқалар юзага келади. Улар анча мустақил бўлиб, чиникиб қолишади.

Ота - оналар барча ҳаракат ва нутқ имкониятлардан фойдаланиб, болаларни кун тартибига ўргатишлари зарур, бу кун тартибида ўйинларга, бадан тарбия машқларига машқларга, бола организмини чиниқтирадиган элементларга кўпроқ ўрин беришлари керак.

З ёшга қадар бўлган болани астайдил тарбиялаб ва ўргатиб бормоқ керак. Бу ёшдаги болани тарбиясига зътибор бериш жуда зарур. Болани ўз вактида ва ҳар томонлама ривожланиши учун унинг физиологик эҳтиёжларининг (овқатланиш, уйқуси, очик ҳавода сайд килиши, қуёш ва сув муолажалари, жисмоний машқлар, ҳаракатли ўйинлар ва бошқалар) тўғри ташкил қилиши лозим. Бунинг учун жисмоний машқлар, ўйин ва сайдларини уюштириш, болала қувноқ кайфият яратиш учун унинг ақлий қобилиятларини ривожлантириш, унинг билим доирасини кенгайтириб ошириб бориш лозим.

БОЛАНИНГ УМУМИЙ РИВОЖЛАНИШИ ВА СОҒЛИГИГА БАДАН ТАРБИЯ МАШҚЛАРИНИНГ ТАЪСИРИ

Ҳар бир болада ҳаракатларга интилиш бўлади, бу интилишга зътибор бериб тўғри йўлга солмоқ керак, акс холда болада ўз кувватини тежаб фойдаланишга эҳтиёж ривожланмайди. бунинг оқибати эса ниҳоят боланинг ҳаётига, жисмоний ва ақлий меҳнатга муносабатига таъсир кўрсатади.

Болаларда бундай эҳтиёжни тарбиялашда ота – оналар боланинг кучли, тезкор, эпчил, серғайрат бўлишга интилишига ёрдам беради. Оилада болани тўғри бадан тарбиялаш унинг бажармай колишидан ҷўчимасдан ўзи эплай оладиган ва бажариши шарт килиб берилиган топшириқдан бошланади.

Ота-оналарнинг болаларга берадиган топшириклари аввало боласининг ўз ишлари, ўйинларга зарур бўлган ҳаракат кўникумаларини, кейинроқ унинг ижодий қобилиятини аниқлашга ёрдам берадиган ҳаракат кўникумаларни ҳосил қилишга мўлжалланган бўлиши керак. Тўғри бадан тарбия машқларини амалга ошириш учун болага жисмоний куч талаб этиладиган вазифаларнингина бериб кифояланмаслик керак, зотан туғма жисмоний қобилиятларининг ҳаётдаги аҳамияти оз эмас. Боланинг бадан тарбия машқлари режали

бориши учун машгулотлар пайтида кўрсатиладиган эътибор, топқирлик фазилатлари аҳамияти жуда каттадир. Бадан тарбия машклари таъсирида марказий нерв тизимининг фаолияти яхшиланади, бу ҳолат ўз навбатида вестибуляр, кўриш, тери, сезиш, ҳаракат анализаторининг функционал ҳолатларини яхшилади, юрак-томир тизими фаолиятини, организмнинг мускул ишларига кўниши имконини оширади. Бадан тарбия машклари билан мунтазам шуғулланиш, ўйинлар уюштириш, юриш, сайдларга олиб чиқиш боланинг ўсишига кўмаклашади, мускуллар ҳажми катталашади.

Бадан тарбия машклари, ўйин, сузиш таъсирида мускуллар тонуси ошади, мускуллар тезлиги, қувватлик бардоши, эгилувчалиги ривожланади. Бадан тарбия жараёнида мускулларга озик моддаларни тащувчи қон ва лимфа кўп оқим билан кела бошлайди, таянч- ҳаракат аппарати мустаҳкамланади, асосий ҳаракатлар такомиллашади. Бадан тарбия машклари билан доимий шуғулланиш, шунингдек меъда органлари фаолиятининг яхшиланганлигига, озик моддаларнинг сўрилишига, мотор ва секретор функцияларнинг кучайишига, корин мускулларининг (айниқса қорин пресси мускуллари) мустаҳкамланишига кўмаклашади.

Режа асосида мунтазам ўтказиладиган бадан тарбия машклари таъсирида моддалар алмашинуви яхшиланади, натижада кўлгина физиологик тизимлар фаолиятида, бола организми функцияларида яхши ўзгаришлар юз беради.

Бадан тарбия машкларини мунтазам шуғуллантириш организмнинг касалликларга қаршилигини кучайтиради. Шуни ёдда сақлаш керакки, соғлом болалар касал ва камҳаракат болалар билан бирга ўйнашни уччалик хуш кўрмайдилар. Ҳадеб якка қолаверадиган бола эса одамови бўла боради, бу эса келажакда унинг характеристига таъсир этиши мумкин.

БОЛАНИ ЧИНИҚТИРИШ УСУЛИ

Ёш болани ҳар бир хонадонда имкон борича “саломатлик бурчаги” ташкил этиш зарур. Олинган ўйинчоклар ёнига ҳалқа, пластикадан ясалган гимнастик таёқчалар, резинкадан ясалган шиширма ўйинчоклар, кичик ва катта коптоқлар ҳамда жисмоний тарбия билан ҳар куни шуғулланишга зарур бўлган бошқа нарсаларни ҳам кўшиш керак.

Эрталабки бадан тарбия ўтказиш жараёнида болаларнинг анатомик-физиологик имконияти, соглиги ва хоҳишини назарда

тутиш лозим. Шунга кўра бадан тарбиясини ўтқазиш учун аниқ бир режа ишлаб чикиш зарур. Машклар мълум тартибда ўтқазилиши, машқлар навбати билан турли бадан гурух мускулларига таъсир килиши учун оддий машқлардан мураккаброкларга ўтиб шугулланиш керак. Одатда, машгулотни давомийлиги кисқа юришдан, нафас олиш машқидан бошланади, сўнг қадди-қомат ҳолатини, юрак қон томир тизими яхшилайдиган машқларга ўтилади. Барча бадан тарбия машқлари организмнинг кун давомида тетик ҳолатда бўлишига мослашган бўлиши лозим.

2 ёшли болалар эрталабки бадан тарбия машқларига чиниктириш элементлари кўшиб ўтқазилади. Бадан тарбия машқининг ўзи хаво ваннаси ўрнига ўтади, чунки бола енгил кийинган бўлади. Бундан ташқари, болани машқлардан сўнг бўйини, елкасини ювишга, баданинг очик қисмларини сочик билан артишга ўргатиш лозим.

Бола бу ишга кўникма ҳосил қилиб ўрганиб олгач, устидан аввал илик сув қуйиб, сўнг жона жароратидаги сув қуйиб юванишга ўтилади. Чиниктириш мақсадида йилнинг ҳар қандай фаслида хам машгулотни очик хавода ўтқазишнинг ахамияти катта.

Эрталабки бадан тарбия, одатда срғалаб ўйқудан тургач, нонуштадан олдин ўтқазилади.

Бола қушларга, хайвонларга тақлид киласидиган ўйин элементларини машқлар қаторига қўшиш ёки бола ёқтирадиган ўйинчоклардан фойдаланиш мумкин. Ота-оналар болаларга бадан тарбия машқларини кўрсатар эканлар, бутун мажмуани улар билан бирга бажаришлари керак бўлади.

2-3 ЁШЛИ БОЛАЛАР УЧУН ЭРТАЛАБКИ БАДАН ТАРБИЯ МАШҚЛАР НАМУНАВИЙ МАЖМУАСИ


I. МАЖМУА

1. Дўмалаб кетаётган коптоқка 20-30 сек эргашиб юриш. (1-расм) Она ёки ота томонидан коптоқни юмалатиб оркасидан болани боришига ундаиди.

2. “Дараҳтлар эгилмоқда”. Дастрлабки ҳолат: сёклар елка конлигига, кўллар юкорига кўтарилади, гавдани эгиш (2-расм). 2-3 марта бажариш.

3. “Тушган олмани териб саватга жойлаймиз”. Дастрлабки ҳолат: сёклар бирлаштириб, кўллар юкорига кўтарилади. Оёқ учида

күтарилиб сүнгра чўккалаб, кўлни полга теккизилади (3-расм). 3-4 марта бажарилади.



1-расм



2-расм



3-расм



4-расм


4. “Паравоз овози”. Бу машқ юриб бажарилади. Даствабки ҳолат : оёқлар бирга, кўллар тирсақдан букилган. Бола чукур нафас чикариб, “ ту-у-у-у” деб овоз чикаради. Машқ 15-20 секунд давомида бажарилади.

5. “Кўёнча сакрайди”. Даствабки ҳолат: Бир жойда туриб, икки оёқда сакраш, кўллар тирсақдан букилади, 2-3 марта бажарилади (4-расм).


2-МАЖМУА

1. 25-30 сония давомида хонада юриш.
2. Она ёки ота, “ кўтарилидик” деган буйруқ берилади ва ўзи бирга кўтарилиш машқини бажаради. Кўтарилишда кўлларни юқорига кўтариб нафас олишга ундейди. Бу машқ 3-4 марта бажарилади (5-расм).


3. Чүккалаш. Даастлабки ҳолат: құллар белда оёклар елка кенглигидә. Охиста нафас чиқариб чүккаланади, сұнгра туриш жараеніда нафас олинади. 2-3 марта бажарилади (6-расм).



5-расм



6-расм



7-расм

4. “Дарахтлар эгилмокда” (1-мажмуа – 2-расмға қаранг)


5. Гавдани олдинга букиш, даастлабки ҳолат оёклар елка кенглигидә, құллар юқорига аста күтариб, аста тушириб тиззага теккизилади. Бу машқ 3-4 марта бажарилади (7-расм).

6. 25-30 сония давомида хонада охиста юриш.


3- МАЖМУА

1. 30-сония давомида хонада юриш. Даастлабки ҳолат: оёклар елка кенглигидә құллар белда, навбат билан оёқ учиды, гоҳ товонда юриш ва туриш (8-расм).


2. “Полвонлар ва жимитлар” Даастлабки ҳолат: оёклар елка кенглигидә, құллар юқорида аста үтириб бошни тизза орасига олиб кисиб үтириледи. 3-4 марта такрорланади (9-расм).




8-расм



9-расм



10-расм



11-расм



12-расм

3. “Оғлар югурмокда”. Бола құлларини тирсакдан букиб қафтлар пастга қараган жилов үшлагандек құллар олдинга чүзіб иргишилайди. 10-15 сония давомида башкарилади (10-расм).

4. “Күшлар дон чўқимокда”. Дастраски ҳолат: оёқлар елка кенглигидан кенгроқ кўйилган. Құллар ён томонга чўзилган, құллар күш учайтган шаклда силкитиб аста чўқкалаб, құллар полга урилади (11-расм).

5. “Күёшга интиламиз”, дастлабки ҳолат: оёқлар елка кенглигидә, құллар пастда, оёқ учига құтарилади, құллар юқорига құтарилади. Бу машқ 3-4 марта бажарилади (12-расм).

Бола ёшлигиданок иложи борича очик ҳавода құпроқ бўлиши, харакатли ўйинлар билан шуғуллангани яхши. Уни тепаликка чиқишга, ундан тушишга ўргатиш: ариқдаи хатлаб ўтиш, дараҳт тұнкасига чиқиш, ундан сакраб тушишга ўргатиш керак. Кинда болани чанада учишга, чанада тепадан тушишга, чанани тепага чиқаришга, қор думалоклаб отиш ава бошқаларга ўргатиш лозим.

Машқларни очик ҳавода ўтказаётганда фаслдан қастьй назар, боланинг ҳулқини, кайфиятини кузатиб туриш, ҳароратига қараб туриш зарур. Агар бола нимжон, инжиқлик килса, бехаловат бўлса, уйқуси бузилса, жисмоний машқлар вактингча тұхтатиш, шифокор билан маслаҳатлашиш лозим.

Агар бадан тарбия машқларини хона ичидә ўтказиладиган бўлса, хонада доимий ҳарорат (18-20) сақлаш жуда муҳим ва хонани кунига 3-4 марта шамоллатиш керак.

Болани бир ярим ёшдан бошлаб фақат юз-қўлини ювишга ўргатиб қолмай, бўйнини, кўкрагини, белига қадар ювишга ўргатиш керак. Дастреб илиқ сув (35-36) бўлади, кейин у аста-секин хона ҳароратига қадар туширилади. Ювингандан сўнг боланинг баданини дағал сочиқ билан териси қизаргунча артилади. Ётиш олдидан болани бир оз иликроқ сув билан (2 юқоририк) ювингандан ётқизилади.

Баданини ҳўл сочиқ билан артиш ҳам енгил юваниш тадбири ҳисобланади. Бунинг учун дағал сочиқдан тикилган қўлқопни ҳўллаб, суви сиқиб ташлангандан сўнг бадани ишқалаб артилади. Қиши фаслида баданини ишқаб артиш 35-36, ёз фаслида эса 32-33 сув билан бошланади. Ҳар 2-3 кунда сув ҳароратини 1 га тушириб аста-секин уни 24 гача тушириш мумкин. Агар нам қўлқоп билан ишқалаб артиш ёрдамида бир ой мобайнида боланинг соглиги яхши бўлса уйқуси бузилмаса у ҳолда навбатдаги тадбирга – устидан сув қуйишга ўтиш мумкин. Бунинг учун боланинг ванинага турғизиб қўйиб, устидан душдан сув қуйилади. Даставвал, елқадан ва орқадан сув қуйилади (бода бошини олдинга эгиб туришга ёрдам бериш керак), сўнгра қўкрак ва қоринга сув қуйилади (бода бошини орқага қилишга ёрдам берилади). Муолажа охирида бел, құлларга қуйилади (бошга сув қуйиш тавсия этилмайди). Сўнгра болани қўли қуруқ бўлгунча артилади.

Сув билан чиниктиришга бошлашда сув ҳарорати ҳамма болалар учун 35-36 бўлиши, ҳар икки-уч кунда уни 1 дан тушира бориш, икки ёшдан ўтганлар учун 26-28 гача, уч ёшдан ўтганда 24-26 гача тушириш тавсия этилади.

ЎЙИНЛАР ЎЙНАШ УСЛУБИЯТИ.

Жисмоний меҳнат ва эстетик тарбия жараённида ўйинларга катта аҳамият бериш керак. А.С. Макаренко: “Бола ўйин жараённида ўзини қандай тутса, ўсиб улғайиб вояга етганида ишда ҳам ўзини шундай тутади” деган эди. Ота-она томонидан тўғри ташкил қилинган бадан тарбия машқлари ва ўйинлар болани жисмоний ва руҳий жиҳатдан зўр беришга ўргатиши керак.

Бола ўз ўйинчоклар ва ўйинлари билан машғул бўлган вактда ота-она томошабин бўлиб қараб турмаслиги керак. Бъази ҳолларда бола ўйин жараённида ота-она аралашиб, ўзлари шугуллана бошлайдилар. Бу холатларда болада қийинчиликларни енгиш маҳорати ҳосил бўлмайди, болада ўз кучига ишонмаслик кўпаяверади, ютказиб кўйишдан кўркадиган бўлади.

БОЛАЛАР ЎЙНИДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН АСОСИЙ ЖИСМСИЙ ҲАРАКАТ ТУРЛАРИ

Юриш, мувозанат сақлаш, югуриш, сакраш, осилиш, осилиб чиқиши, улоқтириш, болада фикрлаш доирасини ривожлантиришга қаратилган ўйин, машқлар, бундай ҳолатларда болада қийинчиликлар енгишдан ҳаноат ҳосил қиласди. Ўйинларни эрталабки бадан тарбия, кундузи ва оқшомдаги сайр жараённида ўтказиш мумкин. Машгулот ўтказиш олдидан ота-оналар боланинг ҳолатини (кайфияти, ланжлиги) назарда тутишларин, бажариладиган машқ ва ўйинларга кизиқиши бор-йўқлигига зътибор бериш керак.

Ўйинлар жараённида болалин ўйин қондиларига риоя қилиб, уни мазмунини саклаб бориш керак. “Менинг кунинг, шўх тўпим”, “Мушук ва сичкон”, “Мушукдан кўркмайман” каби ва бошқа ўйинлар пайтида бола ҳаракат ва товушлар билан ўша ҳамидворни ифодалashi лозим. Ўйинлар жараённида болалирни тарбиянига оғизмаслиги, бошқа нарсага берилиб алаҳисиб кетмаслигини кузатиб бориш керак.

Чиниктириш машгулотлари жараённида ўйинларни эрталаб нонуштага қадар, эрталабки бадан тарбия, кундузги ва оқшомдаги сайр вактида ўтказиш мумкин.

БИР ЁШДАН БИР ЯРИМ ЁШГАЧА БҮЛГАН БОЛА УЧУН БАДАН ТАРБИЯ МАШҚЛАРИ

Уй шароитида бир ёшдан бир ярим ёшгача бүлган болаларда бадан тарбия машқлари (бала иккинчи марта ухлаб тургач ёки овқат ва уйқудан бүш вақти) ўтказилса мақсадга мувофиқ бўлади.

Бадан тарбия машқлари мажмуасида асосий ҳаракат турлари югуриш вақтида мувозанатни сақлаш, сакраш, эмаклаги, тўп ташлашни такомиллаштиришга қаратилган ҳамда қоматни тўғри тутишга кўмаклашадиган машқлар назарда тутилса мақсадга мувофиқ бўлар эди..

Машқлар оддий машқлардан бошлаб жисмоний юкланишлар ва асаб тизимини зўрикиши нуктаи назаридан тобора мураккаброқ турига ўта билиши зарур. Бола бирон бир жисмоний ҳаракатни ўзлаштириб олганига қадар ўша машқни ўтказиш шароитини бир хил сақлаб туриш керак. Масалан, таёқ ёки тўсик устидан хатлашга ўргатиш асосида бир нечта машғулот давомида ҳаракат кўнникласини ўзлаштирганига караб ўзгартириладиган бир хил услубни қўллаб туриш керак. Бундан ташқари, жисмоний машқлар маълум тизимда инланади, яъни: даставвал елканинг юқори қисми ва қўл мускулларига, сўнгра бикин томон, орқа, қорин мускулларига (прессига) оёқ мускулларига хос машқлар танлаб олинади.

Бадан тарбия машғулоти 8-10 дақика давом эттирилади. Майгулолтларда ўйин усуллардан, бирон бир нарсага тақлид этувчи машқлардан фойдаланиш зарур. Мисол. ота-оналар болага “Коптоқдек сакраш”, ёки куёндек сакраш, “Қўнғирокни чал”, каби ҳаракатларни бажаришни таклиф этишлари мумкин.


1-МАЖМУА (ҳалқа билан)

1. Дастрлабки ҳолат: Бола полда оёқларини кериб ўтиради. Кўлига ҳалқани ушлаб олади. Онаси унинг олдига турган ҳолда қўлларини узатиб ҳалқа беришни сўрайди (13-расм).


2. Дастрлабки ҳолат: Бола полга орқаси билан ётади, қўллар гавда ёнида чўзиб кўйилади. Она товуш чиқариб “Сёкларни кўтардик” деб кўл чўзганда бола иккала оёгини юкорига кўкрак ўтариб бош томонга узатиб, онаси ушлаб турган ҳалқага теккизишига ҳаракат киласди (14-расм). Ҳаракатлар 3-4 марта бажарилади.

3. Дастрлабки ҳолат: Бола полда, оёқларини ўзган полда ўтиради. Она ҳалқа ушлаган қўлларини бола томонга узатиб ҳалқани

ушлатади ва болани ўрнидан туришига ёрдам беріб туришга ундаиди. “Үрнингдан тур” буйруги 3-4 марта бажарилади (15-расм).



13-расм



14-расм



15-расм




16-расм

4. Дастребки ҳолат: Бола она күлини ушлаб тик туради, 10-15 сантиметр юқоридаги таёқчадан “сакра” деган буйрук бүйича сакраб ўтишга ундаиди (16-расм). Бұ машқ 3-4 марта бажарилади.


5. Дастребки ҳолат: Болани “мушукчага үхшаб тур” дейилади. Мушукча бошини күттарди за юрди деган ишора билан бола бошини күттарған ҳолда эмаклаб юра бошлайди, 10-15 сония давомида (17-расм).

6. Дастребки ҳолат: болани қорни билан ёткизиб, у она ёрдамида тоx үнг, тоx чап тарафға ағдарилиб ётади. Хар тарафға 2-3 мартадан бурилади (18-расм).


7. Дастребки ҳолат: Бола эмаклаш үчүн тайёр туради. Қаршиисида стол күйилған она болани стол тағидан эмаклаб сүңг, стол оёғи атрофида эмаклаб айланыб ўтишга ундаиди. Ҳаракатлар 3-4 марта тақрорланади (19-расм).




17-расм



18-расм



19-расм



20-расм

8. Дастребки ҳолат: Бола түп орқасида туради, она түпни думалатиб “түпни ушла” буйруги бүйича түп орқасидан юришга ундейди. Машқ 30 сония давом этади (20-расм).

2- МАЖМУА

Ҳалқа билан бажарыш усуллари.


1. Коптоткчани ҳалқага ташлаш.

Она ҳалқани ушлаб туради, бола турган жойидан тиззасига бувланиб, құллар олдинга узатиб коптоткчани ҳалқа ичига ташлайди. Бу ташлаш 4-5 марта бажарилади (21-расм).


2. Она ёрдамида ҳалқа ичига сакраш. Бунинг учун она, болани бир құли кафтини ушлаб иккى оғзи билан ҳалқа ичига сакрашга ундейди. 4-5 марта тақрорланади (22-расм).

3. Она ёрдамида ҳалқани босиб, устидан юриш. Она болани бемалол кафти аралаш ушлаган ҳолда ҳалқа бүйлаб юришға ундейди, 30 сония юради (23-расм)

4. Дастрлабки ҳолат: бола орқаси билан ётади, кўллари икки ёнда, оёклар узатилган, “кўтар” сўзи билан, бола оёкларини кўтариб ҳалқага теккизади. 3-4 марта бажарилади (24-расм).




21-расм



22-расм



23-расм



24-расм


5. “Келтириб бер”, бунинг учун она боладан 5-10 метр нарига ўйинчоқ, ҳалқага қўйиб олиб келиб бер дейди. Бола онасига ўйинчоқни келтириб бериши керак. 2-3 марта тақрорланади.

6. “Ҳалқани қувиб етиш”. Она бола ёнида туриб ҳалқани олдинга юмалатиб юборади ва етиб ол ишорасини беради (25-расм).

7. “Куёнча сакраш”, куён кандай сакрайди. Она куён сакрашини кўрсатиши ва ёнма-ён туриб сакрашга ундейди, 10-15 сония давомида сакрайди (26-расм).

8. Ҳалқа ичидан эмаклаб олдинга ва орқага ўтиш (она ҳалқани тик ҳолатда ушлаб туради), 3-4 марта бажарилади (27-расм).


Бу ёшдаги болаларни жисмоний жиҳатдан ривожлантириш учун очик ҳаводаги машгулотлар катта аҳамиятга эга. Ёз фаслида сайд килиш жараёнида пастга тушиш, баланд жойларга чикиш, тоғли жойларда юриш тавсия қилинади.



25-расм



26-расм



27-расм

Ез фаслида болани енгил, қиши пайтида ҳаво ҳароратига зътибор берган ҳолда кийинтириш лозим. Қиши фаслидаги ўйинлар ва барча асосий ҳаракатлар ота-оналарнинг ёрдами ва иштирокида ўтказилиши керак (chanада учиш, юриш, тепаликдан сирпаниш ва бу ёшдаги болаларга мос бошқа ўйинлар ўйлаб топиш).

БИР ЯРИМ-ИККИ ЁШЛИ БОЛАЛАР УЧУН БАДАН ТАРБИЯ МАШҚЛАРИ МАЖМУАСИ

Бу ёшдаги болалар билан: “Күчукчага ўхшаб юриш”, “Дараҳтлар силкинади”, “Қалдирғочлар учиб кетди”, “Парвоз”, “Шақилдоқлар ёнига эмаклаб борамиз”, “Ким узокқа”, “Қайиқчалар” ва бошқа ўйин машқларини ўтқазиш керак. Ўйинлар жараённанда болаларга жоноворлар ёки нарсаларнинг овозига тақлид қилиш тақлиф этилади. Бу ўйинлар бола нафасининг бошқарылишига ва нутқининг фаоллашига ёрдам беради. Бола олдин ўтилган жисмоний машқларни ўзлаштириб олган бўлса мажмууга янги ўйин, машқларини қўшиб бормоқ лозим. Бунда олдинига табиий ўйин машқлари,

сүнг бадан тарбия машқларига алмаштирилади. Ҳар бир жисмоний машқ 4-5 мартадан ортиқ тақрорланади. Ҳафтада 3-4 марта машғулот ўтказиш тавсия этилади.

1-МАЖМУА

1. Она томонидан ундаш бўйича хона бўйлаб 30 сония давомида бола ўйинчоқлар орқали юради.


2. Она “Дараҳтлар згилмоқда”, “Шамол бўлаяпти”,- деган сўзни айтади. Она – дараҳтлар эгиляшти: ш-ш-шув-чағга, ш-ш-шув-ўнгга. Шамол тинди. Дараҳтлар тикланди. Бу машқлар бажарилар экан, чуқур ва бир текисда нафас олиш ривожланади. Ҳар бир томонга 2-4 мартадан бажарилади (28-расм).

3. “Кучукча юриш”. Она шу сўз билан кучукча қандай юради деган сўзни ишлатади. Даствлабки холат: бола тиззаси ва кафтларига таяниб, тўрт оёклаб туради. Она унга “Кучукчанинг юришини кўрсатишни” тавсия этади. Бу машқ гавда, қўллар ва оёқ мускуларини мустаҳкамлайди, умуртқа поғонасини тўғрилаб унда эпчилликни ривожлантиради. Бола эмаклаган ҳолда 10-15 қадам ташлаб юради (29-расм).

4. “Гавдани олдинга букиш”. Даствлабки холат: болани оёклар елка кенглигига туради, бели барабар қўйилган таёқча устидан зингшиб (тиззаларни буқмасдан) ерга қўйилган ўйинчоқ ёки коптокни кўлинини буқмасдан олишга интилади. Бу машқ елка, бел, қорин пресси мускуларини мустаҳкамлайди. 2-4 марта тақрорланади (30-расм).



28-расм



29-расм



30-расм



31-расм

5. “Үтириб туриш”. Дастлабки ҳолат: бола стулнинг оркасига оёқларни тизза бўғимидан букиб үтиради, кўллар билан стулни ушлаб туради, стул туйнугидан (стул суюнчиғи орасидан) қараб туради, сўнг охиста ўрнидан туради: “Мен шу ерда” дегани. Бу машқ оёқ ва гавда бўйин мушакларини мустаҳкамлайди, юрак ва нафас мушакларини машқ қилдиради. 4-6 марта бажаради. (31-расм).

6. “Қалдирғоч”. Дастлабки ҳолат: бола кўлларини ён томонга узатганча қорни билан ётади. У боши ва кўлинини белдан қайириб юкорига кўтаради. Бу машқлар бел, елка мускулларини ривожлантиришга ёрдам беради. 2-4 марта бажарилади. (32- расм).


7. 20-30 сантиметр кенглиқдаги тахта устидан бола онасини ушлаб юриши. Юришни кетма-кет куйиладиган қадамлар билан (ёнга ва тўғрига) бажариш мумкин. Бу юриш машқи кўрқмаслик, жасорат хиссини ўстиради. Мувозанатни сақлаш, эпчиликнинг асоси ва кўникмалар ривожлантирилди (33-расм).




32-расм



33-расм



34-расм



35-расм

8. Бола катта коптокни түғри йўлдан галма-галдан гоҳ ўнг, гоҳ чап оёқ билан 5-11 метргача думалатиб бориш. Бу машқ эпчилликни, кўз билан мўлжалга олишни ривожлантиради (34-расм).

9. Нарвонга чиқиш. Она болани ушлаб турган ҳолда унга нарвонга чиқиш, ҳалқа ичидан ўтиш ёки стол тагига киришга ёрдамлашади. Бу ҳаракатлар бола координациясини мустаҳкамлайди, чакқонлик, эпчилликни ривожлантиради, кўпи билан 2-3 марта бажарилади (35-расм).

10. Хона ичидаги охиста юриш. Машкни тугатар экан бола онаси билан бирга ўйинчоқларни териб, уларни жой-жойига кўяди.

Эслатма! Сайр жараёнида болада асосий ҳаракатларни ривожлантиришга алоҳида зътибор бериш керак. Ёз фаслида юришни бир канча турларидан фойдаланиш зарур: баланд паст жойлар, бир маромда тиккалашган йўлкалардан, тўнка устига, дўнгларга чиқиш. Болага ариқчадан чўчиғасдан ҳатлаб ўтишга, тутқицидан тугиб кўприк устидан ўтишга, товушга, овозга, сигналга, қараб бурилишга ўргатиш лозим. Очик жойларда, майдончада шундай ўйинлар билан шуғулланиш керакки, улар бажараётганда таянч – ҳаракат аппаратига жисмоний юкланиш баробар тушадиган бўлсин. Бу ўйинларга “Коптокка етиб ол”, “Ариқчага эмаклаб бордик”, “Копточчани майса орасидан топ”, “Мени топиб, ёнимга тез кел” каби машқ, ўйинлар киради.

Қиши фаслида болани қўлидан ушлаб сайр қилиш, бола билан чанада учиши учун зарур бошқа ҳаракатларни бажариб туриш маъкул ишdir.

2-3 ЁШДАГИ БОЛА УЧУН НАМУНАВИЙ БАДАН ТАРБИЯ МАШҚЛАРИ МАЖМУАСИ

Икки ёшли бола асосий ҳаракат турларини: ўрганиб олган бўлади, лекин бу ишларни ҳали у унчалик яхши эплай олмайди, 2-3 ёшдаги бола билан ҳар куни шуғулланиш, боланинг скелети, жумладан умурткаси ҳали ривожланиш босқичида эканини, унинг суяқ ва бўғимлар узок юриш, туриш, ўтириш натижасида ўз гавдаси оғирлиги таъсирида салга деформацияга учраши мумкинлигини учу́тмаслик керак. Ҳар куни бадан тарбия машқлари қадди қоматни расо қилишга, асосий ҳаракатларни қовуштиришга қаратилган бўлса мақсадга мувофиқ бўлади. Машғулот жараённида бола танаси вазиятини ўзгартириб туриши, бадан тарбия машқларини дам олиш билан алмаштириб бориш лозим.

Мажмуага жасурлик характеристидаги машқлар, кўрқмаслик, ишонч, қатъийят каби ҳислатларни тарбиялайдиган ва барча ички органлар фаолиятини мъеёrlаштирадиган жисмоний машқларни кўшмоқ зарур. Катта кишилар болаларга бу жисмоний ҳаракатларни кўрсатишлари керак: болаларни аниқ, тўгри машқ бажаришига. уларда бажарган машқдан қувонч ҳиссини тарбиялашга интилиш керак.

Бадан тарбия машқлари яққол образли тасвирлашга асослаб тузилиши маъқул: болага имкон яратиш керакки у қуёндек сакрасин, югурсин ва ҳоказо.

1-МАЖМУА

1. Дастрлабки ҳолат: Хона ичидаги кўлларни тирсакдан букиб, елкага кўяди, оёқлар елка кенглигига, бош юқорига кўтарилиган ”Кадди қоматни ростлаб юришни бошладик” сўзи остида 5 дақиқа давомида юради. Она юриш машқида қадди-қоматини расо тутишини ёдда саклаш лозим (36-расм).

2. “Сузиш усули”. Дастрлабки ҳолат: оёқлар елка кенглигидан кенгроқ қилиб кўйилган, кўллар олди томонга кўтарилиган, кўллари билан елка мускуллари орқали доира йўналишида навбатма-навбат ҳаракат қиласи, гавда бироз эгилган бўлади. 4-5 марта бажарилади (37-расм).


3. “Қайиқча”. Дастрлабки ҳолат: бола қорни билан ётади, кўлларини икки томонга узатади. Бош ва оёқларни кўтарган ҳолда орка томонга эгилади. Бу жисмоний машқ бел мускулларини

мустаҳкамлайди, қадди қоматини расо қилади, 5-6 марта бажарилади (38-расм).


4. Дастрекки ҳолат: бола чалқанча ётади, оёкларни тик күттар деб сўз билан айтади. Она боланинг кўтарган оёклар баландлигига таёқча ушлаб туради. Бола оёкларнинг учини таёқчага теккизади. Бу бадан тарбия машқи қорин пресси, бел соҳаси, бўйин мускулларини мустаҳкамлайди. Бу машқ 4-6 марта бажарилади (39-расм).




36-расм



37-расм



38-расм




39-расм

5. “Оёкни узатиш ва букиш”. Дастрекки ҳолат: бола оёкларини тизза бўғимидан буккан, кўллар орқага тиралган ҳолда ўтиради; она сўз билан оёкни “узат ва “ йиғ” деб машгулотни бошлайди. Бу жисмоний машқиар қорин пресси, кўл оёқ мушакларини мустаҳкамлайди. 5-6 марта бажарилади (40-расм).


6. Айиқчани жаҳли чиқди, кўллар юқорига кўтарилди. Дастрекки ҳолат; бола тўрт оёқлаб туриб, тиззалирида ўтирган ҳолда кўлларини юқорига кўтаради. Бу жисмоний машқ кўл, бел, оёқ, бўйин мушакларини мустаҳкамлайди. 4-6 марта бажарилади (41-расм).

7. Коптокни олдига қорин билан эмаклаб бориш. Бу жисмоний машқ гавда. күл, оёқ мускуларини мустаҳкамлайди, боланинг эпчил, кучли, чидамли бўлиб ўсишига ёрдам беради. (42-расм).


8. “Болта уриш”. Даствлабки ҳолат: бола оёқлари елка кенглигидан кенгроқ қўйилган, кўл бармоқлари бир-бирига чалиштирилади. Она сўз билан қўлларни бош устига кўтариб бироз эгилганча қўлларини тез тушириб, улар оёқлари орасидан ўтқазади ва нафас чиқаргандага “ух” деб қўяди. Қаддини ростлаб, яна қўлини юқорига кўтаради. Бу ҳаракат чукур нафас олганда умуртқа погонасини қийшиқлигини тўғрилайди, унинг эластиклигини оширади. Ҳаракат 4-6 марта такрорланади (43-расм).




40-расм




41-расм



42-расм



43-расм



44-расм

9. “Паровозча”. Дастрлабки ҳолат: оёклар елка кенглигида, қўллар тирсақдан букилган, турган жойда юриш. Бола паровознинг овозига ўхшатиб, қўллар елка бўғимидан худди гилдиракка ўхшатиб айланма ҳаракат килади. Машқ қўл ва оёқ ҳаракатларини ковуштиради, бола чуқур нафас оладиган бўлади. Бу машқ 5-6 марта бажарилади (44-расм).

10. “Оёқ учida юриш”. Дастрлабки ҳолат: қўлларни ён томонга ва пастга узатиб, тушириб оёқ учida панжаси мускулларини таранглатиб, эҳтиёт бўлиб юрилади. Юриш 10-12 қадам.

2-МАЖМУА

1. Дастрлабки ҳолат: “Коптокни бошда тутиб туриш”, бир оёқ олдинда 10-15 метрга юрилади (45-расм).


Мақсад: машқ давомида қадди-қоматни тўғри сақлашини она кузатиб тўғрилаб туриши лозим.

2. “Айиқполвон”. Дастрлабки ҳолат: тўрт оёқлаб туриш, она билан бирга юриш бажарилади (10-15 қадам). Машқ гавда, бўйин, қўл, оёқ мускулларини мустаҳкамлайди, болани кучли, чидамли килиб тарбиялайди (46-расм).


3. “Мушук аччиғланди”. Дастрлабки ҳолат: тўрт оёқлаб турган холда белни қайириб, бош юқорига кўтарилади, сўнг қўлни буқмасдан туриб бош пастга туширилади – бел букилади. Бу машқ умуртқа поғонасини ҳаракатчанлигини оширади, тананинг орка мускулларини мустаҳкамлайди. 4-5 марта бажарилади (47-расм).




45-расм



46-расм



47-расм



48-расм

4. Дастребки ҳолат: қорин билан ётган холда думалаётган копток орқасидан судралиб бориш (8-10). Машқ гавда, ҳаракат координациясини, чидамлиликни яхшилайди (48-расм).

5. Дастребки ҳолат: она, болани қўли чўзилган ҳолатда етадиган килиб тепага кўтариб ушлайди. Бола оёқ учларига туриб ҳалқага етишга ҳаракат қиласди. Машқ гавда мускулларини мустахкамлайди, қомат расолигини яхшилашга хизмат қиласди. 4-5 марта бажарилади (49-расм).

6. “Ҳалқани тортиш”. Дастребки ҳолат: Ҳалқани бир томондан бола, бошқа томонидан она ушлайди, ўз тарафига тортади. Бу машқ эпчиллик, жасурлик, қатъийятликни ривожлантиради. 4-6 марта бажарилади (50-расм).


7. “Таёқча остидан ўтиш”. Иккита кичик стулча устига таёқча кўйилади. Машкнинг мақсади – эпчилликни тарбиялаш, бел мускулларини мустахкамлаштирди. 4-6 марта бажарилади (51-расм).

8. “Велосипед”. Дастребки ҳолат: ерга ўтирган ҳолатда, қўлни орқа тарафдан ерга тиравлади ҳамда бола билан бирга оёклар худди велосипедчига ўхшаб ҳаракатлантирилади. Бу машқлар қорин пресси


вә кийшик мушакларни ва бүгімлар ҳаракатчанлигини яхшилайды. мустахкамлайды. 6-8 марта бажарилади (52-расм).




49-расм



50-расм




51-расм




52-расм

9. “Күөнча сакраш”. Дастлабки ҳолат: бола чүккалаб ўтириб, күллар полга тирадан ҳолда оёқ панжалар учиды сакрайди. Оёқ панжаларини иложи борича юкорицок күтаратыди. Бу машк болада бардошликтини, эпчилликтини тарбиялаш, нафас олиш ва чиқариш, күкрап қағасини ҳаракатчанлиги ва қовурғалараро мушакларни ривожлантиради. 5-6 марта бажарилади (53-расм).

10. “Камалакка ўхшаш” ёки күприкка ўхшаш. Дастлабки ҳолат: болани тиззалаң ўтиришга она ундаиди, күллар иложи борича орқага узокрокқа тирады. Бошни орқага осилтириб турилади. Бу машк бүтимлар ҳаракатчанлиги, умуртқа погонасини қайишқоқлигини оширади. 3-4 марта бажарилади (54-расм).



3-расм



4-расм


З-МАЖМУА

1. Даставвал юрилади, аста-секин 5дакика охиста югурилади. Стүриш жараенида күллар бамисоли “капалак” учгандек, канот соккандек жар-хил айланма ҳаракатларни бажаради. Бу машқ нарас олишини тәртибга солади, чукур ва бир текисда нафас олишга күл за сөк, өүғимларни, ҳаракат мәләкасини өширишга ёрдам беради (55-расм).

2. “Хоптокни бош билан сурин” Дастрлабки холат: бола чүккалаб шырган колда, күлларини ерга гираиди, коптюкни боши билан 6-8 маста суреб боради. Машқ оёк, күл, бўйин мускулдарини чистаҳкамлайди, мұлжалан олишга, мұлжаланни бўшлиқда олишга ёрдам беради (56-расм).




55-расм




56-расм

3. Дастрлабки холат: тик туриб, оёклар ораси бироз керилади. Күллар олдинга узатиб кафтлар юкорига қаратилган –“кафтиңни күрсат”. Иккинчи холат, “Кўлингни оркага яшир”. Бу машқ тез шиддат билан бажаришга мўлжалланган бўлиб 5-6 марта гакрорланади (57-расм).

4. Деворга осилган соат; “Соат қандай юради”. Дастьлабки ҳолат: оёклар орасини кенг очиб, құллар белда туралди. Она “тик” деганда бола үнгга белидан үнг томонга буқланади, яна тик ҳолатта қайтади, “так” деганда чап томонга буқланади. Ҳар бир тарафға 3-4 мартадан бажаради. Машқ умуртқа погонасини ҳаракатчанлигини яхшилайди, гавда мушакларини мустаҳкамлайди (58-расм).




57-расм



58-расм

5. ”Бекиниб ол”. Дастьлабки ҳолат: бола оёкларини кенг қўйиб тик туради, құллар пастда. “Бекин” деган сўзни она айтиши билан, бола қоматини тиклади, құллар пастга туширилади. 5-6 марта бажарилади. Машқ гавда мушакларини мустаҳкамлайди, умуртқа погонасини ҳаракатчанлигини яхшилайди, қомат расолигини шаклланишига ёрдамлашади (59-расм).

6. ”Ойга караймиз”. Дастьлабки ҳолат: Бола қорни билан ётади, құллар полга тираб, қўл елка кенглигига гавда орқага букулиб, бош гардонга теккунча бўйин қайрилади. Осмонга (ойга карайди) 6-марта бажарилади. Машқ елка, кўз мускулларини мустаҳкамлайди, қоматни расолигини шаклланишига ёрдам беради (60-расм).



59-расм




60-расм

7. “Қүшга ўхшаб учиш”. Дастрлабки ҳолат: бола қорни билан ётган ҳолда күлларини орқага қилиб баланд кўтаради. Оёкларни ҳам иложи борича кўл билан бирга оёқни ҳам бир вактда юқорига кўтаришга ҳаракат қилиб кўпроқ ушлаб туриши лозим. 3-4 марта тақрорланади. Бу машқ бўйин, орка, оёқ, кўл мускулларни мустаҳкамлайди, мускуллар кучини, иродасини, чидамли бўлишга чакиради ва тарбиялади (61-расм).

8. “Камалак бўлиш”. Дастрлабки ҳолат: бола қорни билан ётади, кўллар орқага қилиб бир вактда оёкларни ҳам орқага қилиб буқади. кўллар билан оёқ бўғимидан ушлайди. 3-4 марта бажаради. Машқ орқа бўйин, кўл, оёқ ва бўғимлар мускулларини мустаҳкамлайди, болани эгилувчан, қайишкок бўлишини тарбиялади (62-расм).

9. Шамол бериш “Вентилятор”. Дастрлабки ҳолат: бола тик туриб, оёклар кенгроқ қўйилган, кўлларни тўғри чизик ва иложи борича орқага юбориб, парракка ўхшаб елка бўғимидан ҳаракатлантирилади. 5-6 марта тақрорланади. Бу машқ елка бўғими ҳаракатчанлигини оширади ва елка камари мушак, пайларни мустаҳкамлайди (63-расм).

10. “Жойда сакраш”. Дастрлабки ҳолат: оёкларда тик туриб кўллар белда. Она “Коптоқка ўхшаб сакра” бўйруғини беради. Бола икки оёги билан дебсиниб юқорига интилган ҳолда сакрайди (6-8 марта), бироз нафасни ростлаб, сўнг яна 6-8 марта эркин ҳаракат билан сакрайди. Бу машқ мушақлардан ташқари нафас олишни чукурлаштиради, юрак ишини яхшилайди (64-расм).



61-расм



62-расм



63-расм



64-расм

Асосий бадан тарбия ҳаракатларини такомиллаштириш учун факат машқларни мунтазам ўтказишнинг ўзи билан кифояланмаслик керак. 2-3 ёшли болаларни қундалик бажарадиган кун тартибиға киритилган жисмоний ҳаракатларни аник бажаришга ўргатиш зарур, болада кўрқмаслик, жасурлик, ўзига ишонч сифатларини ҳам ривожлантириб бориш зарур. Бола уятчанг, тортичок бўлса ундан ташқари жисмоний ривожи жиҳатидан тенгдошларидан орқароқда қолаётган болаларга катталарнинг рағбатлантириши жуда зарур. Бадан тарбия машқлари жараёнида ожизлик, кучсизлик, кўркоқлик килган болаларга у хақида танқидий ёндошиш асло мумкин эмас. Болани маҳтаб машқни яхши бажаряпсан деб, рағбатлантириб туриш, унда ўз кучига ишонч хосил қилишга интилиш лозим.

Кун тартиби бўйича сайр жараёнида турли ҳаракатли ўйинлар (кувлашмачоқ, гилдиракли ўйинчоқлар, ҳалқа думалатиш каби ўйинларни, махсус нарвонларга чикиш, уч гилдиракли велосипедда учиш ва ҳоказо) уюштириш керак. Машқ ҳаракатлари кизикарли бўлсин, “тепаликдан бирга учамиз” каби ўйинлар биргаликда ўтказилар экан, болаларга шеърлар айтиб, уларни кайфиятини кўтариб ёдлаб олишни таклиф этиш лозим.

Бола “Аргимчоқда учиш” ўйини, онаси боланинг қўлидан ушлаб айлантиради ва гапириб туради:

Аста-аста, баландда пастда,

(Айланышни сал тезлаштирган ҳолда)

Қани болам қушдек уч.

Бўлди болам пастга туш.

“Коптокни ерга уриш” ўйини:

Копток тўп-тўп этади.

Қочиб кетма тўхтагин.

“Қуён сакрайди” ўйини:
Кўк майсада сакрагин,
Гул майсада тинмагин.

Шунингдек, “Футбол ўйини” каби ўйинларни ҳам машғулотга қўшиш керак. Болага ёътиборни жамлаб, хавас билан ўйнашни муттасил ўргатиб бориш лозим.

Қиши фаслида болага кўгиричоги ёки ўйинчогини чанада учирини ўргатиш, чанани орқасидан юриш, уни орқасидан итариш, кинчикроқ теналикка чиқиш, куракча билан қор кураш ва бошқа машғулотларни ўргатиб бориш мақсадга мувофиқдир. Сайр вактида болага иссик, аммо унинг ҳаракатига ҳалал бермайдиган кийим кийдириш зарур. Сайдан кейин бола терламаса, демак у тўғри кийинтирилган бўлади.

Бола билан сайр жараёнида унинг ёътиборини табиатга қаратиш, дараҳт, гулларни парвариши ҳақида, уй жониворига қандай қуаш керак ва ўргатиш ҳақида сұхбат ўтказиш лозим. Болаларга ёнгок. Тош ва бошқа табиий нарсаларни ўйнаш учун имкон бериш маъкул.


Болалар билан ҳар куни, бадан тарбия машқларни килиб, ўйинлар ўтказилар экан, бола хохишини, ҳаракатларни бошкарив, кузатиб туриш, унга фойдали одатларни сингдириш, атроф мухитдаги ҳодисаларни тўғри тушунтириш учун болага кўмаклашмок керак. Ота-она шундай қилганда, болада келажакда меҳнатга зарур бўлган сифатлар ривожланиши учун пойдевор яратилган бўлади.

ЯССИ ТОВОН

Ёш болалар оёғи дарров чарчаб қолади ва дастлабки пайтларда оёқлари оғрийди ҳам. Агар бола оёқ кафти оғришидан қайта-қайта шикоят қиласа, бепарво бўлманг, бу яссиоёқлик аломати бўлиши мумкин, мабодо шундай бўлса, шифокор ёрдами керак бўлади.

Афсуски, кўпчилик болалар яссиоёқликдан азоб чекадилар. Маълумки, оёқ панжалари мускуллар ва бойламлар билан қайишкок гумбазга бирлашган майда суюклардан иборат, у ўзига хос рессор вазифани бажариб. Юрганда юмшоқ қадам босишга, гавданинг майнин тебранишига имкон беради. Мускуллар ва бойламлар бўшашибдек бўлса, шу гумбаз пасаяди, яссиланади. Оёқ панжаси бизнинг гавдамизнинг таянчи хисобланади. Яссиоёқлик боланинг қадди-

коматига, ички аъзоларни шаклланишига таъсир этади. Яссиоёқликдан азоб чекадиган болалар дарров чарчаб қоладилар, узок вакт тик турға олмайдилар ва юра олмайдилар, оёклари, елкалари оғришдан шикоят қиладилар (65-расм)



65-расм

Яссиоёқлик аксари ўта семиз, тоши оғир ёки аксинча, нимжон, жисмонан яхши ривожланмаган болаларда ривожланади. Бу касалликни олдини олиш учун бадан тарбия билан күпроқ шуғулланиш, кўп юриш, эрталабки гимнастика қилиш лозим. Мабодо, яссиоёқлик ривожланиб бўлган бўлса, оёқ кафти мушакларини ва бойламларини мустаҳкамлайдиган маҳсус машқлар билан шуғулланиш лозим.

Ялангоёқ полда ва қия текисликда юриш, оёқ кафтининг ташки киррасида юриш керак (“Маймоқ айнқ”) полда резинка коптоқни, халқани ялангоёқ думалатиш, турли хилдаги майда буюмларни оёқ бармоқлари билан ушлаш ва кўтариш керак.

Яссиоёқликнинг дастлабки аломатлари топилган мактабгача тарбия ёшдаги болалар учун бир нечта бадан тарбия машқлари, бу гимнастик ўйинга ўхшаш бўлиб, болага анча-мунча завқ беради. Бу

машқларни хар куни 6-9 ой давомида, кунига 10 дақиқада килиш тавсия этилади. Машқларни яхши гиламда, ялангоёк бажариши керак.

1. Оёк кафтлари билан коптоткиң қисиб турған ҳолда майда-майда қадам ташлаб, уни оёқдан чиқариб юбормасликка ҳаракат килиб, хонада юрилади. 25-30 сония.

2. Ётгап ҳолда күллар билан орқадан полга тираныб, иложи борича узатилган оёкларга қисилған коптоткиң баланд құтаришга ҳаракат қилинади. 8-10 марта.

3. Полга таек әски дастаси узун чұтқа қўйилади, кўлларни бош орқасига қўйиб, унинг устида оёқ учиды юрилади. 6-8 марта.

4. Тўғри турилади, оёклар жуфтланади, кўллар тана бўйлаб туширилади, гоҳ ўнг, гоҳ чап оёқ бармоқлари билан полда ётган рўмолни қисиб олишга ҳаракат қилинади. 5-6 марта.

5. Тик турилади, оёклар жуфтланади, кўллар белда турсин, полда турған коптоткиң гоҳ ўнг, гоҳ чап оёқ билан айлантирилади. 10 мартадан.

6. Полда ўтириб, иккала оёқ бармоқлари билан рўмолни тутиб олиб, оёкларни эгиб дарров ётилади, рўмолни чиқариб юбормасликка ҳаракат қилинади. 8-марта.

7. Битта оёқ учиды сакраб, иккинчи оёқ бармоқлари учиды билан рўмол қисиб олинади. 12-14 мартадан.

8. Аввал оёқ учиды, кейин товонларда юрилади. 25-30 сония.

Бу машқлар жонга теккач, янги машқлардан бир нечтасини қўшиб алмаштиринг. Масалан, полга каттакон рўмол қўйинг. Бола товони билан уни ерга босиб туради, шу оёқнинг бармоғи билан рўмолни тутишга ва тортишга ҳаракат қиласи. Ё бўлмаса, стулда ўтириб олиб, оёгининг бармоқлари билан полга сочиб ташланган қаламларни кўтаради. Бола уйда албатта, ёзда эса кўчада иложи борича кўпроқ ялангоёк юришга ҳаракат қилиш керак.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Васичкин В.И. Справочник по массажу, Медицина, 1990
2. Оқилов А.Т. Саломатлик: омімабоп медицина энциклопедияси, Тошкент, 1985.
3. Красикова И.Н. Детский массаж, Москва, 2003.
4. Латипова Н.В. Уч ёшгача бўлғач болалар учун гимнастика, массаж ва ўйинлар, Медицина, Тошкент, 1983.
5. Попова Н.М. Гимнастика и массаж ребенка первого года жизни. Ростов-на-Дону, Феникс, 2006.
6. Ачилов А.М. Акрамов Ж.А. Болаларда коматнинг шаклланиши. Тошкент, 2006.
7. Салихўжаев С.С. Мактаб болаларни гигиенаси. Тошкент, 1989.
8. Латипова Н.В. Как растёт ваш малыш, Тошкент, 1989.
9. Ливицкий А.А, Панкратова О.В. Научно- методические предпосылки организации физического воспитание дошкольников, 1996.
10. Каримов М.К. Болалар боғчасида жисмоний тарбия, Тошкент, 2004.
11. Усмонходжаев Т.С. Миллий Ўйинлар. Мактабгача ёшдаги болалар учун, Тошкент, 2002.
12. Махкамжонов К.М, Расулова М.М. Мактабгача ёшдаги болаларнинг умумий ва кенгайтирилган жисмоний тарбия вариант дастури, Тошкент, Илм Зиё, 2006.

*Муҳарир Д.Иброҳимова
Техник муҳаррир М.Султонов*

Босишига руҳсат этилди 13.05.10. Қоғоз бичими 60x84 1/16.
Ҳажми 4,0 физ.б.т. 42-09 рақамли шартнома. Адади 100 нусха.
314-сон буюртма.

ЎзДЖТИ нашриёт-матбаа бўлими, 100052, Тошкент, Оққўргон
кўчаси, 2.

ЎзДЖТИ босмахонаси, 100052, Тошкент, Оққўргон кўчаси, 2.

